РАССИ Давлат китоб палатаси
13 АВГ 1990
ОБЯЗАТ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 2 август Пайшанба
№ 144 (13.580).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Алишер Навоий жамғармаси тузилди

Даҳо адиб ва саховатли инсон Алишер Навоий ўзи жамғарган барча маблағни хайрли ишларга сарфлаганлиги тарихдан маълум. Жуда кўп санъат ва адабиёт вакиллари Алишер Навоийдан маънавий ва моддий ёрдам олиб камолга етганлар. Бу тўғрида унинг саховатидан баҳраманд бўлган машҳур тарихчи Хондамир, адиб Зайниддин Восифий ва бошқалар миннатдор бўлиб ёзганлар.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги давлат мукофотлари қўмитаси, Ўзбекистон ижодий уюшмалари, ташкилотлари, жамиятлари ташаббуси билан тузилган Навоий номидаги жамғарма улуғ адибнинг саховат бобидаги яхши анъаналарини давом эттиришдек олижаноб мақсадни ўз олдига қўйди. Навоий жамғармасининг ташкил этишда жумҳуриятимиздан ўндан ортиқ нуфузли жамоат ташкилотлари иштирок этди. Унинг ишчи ҳайъати Ўзбекистоннинг машҳур жамоат арбобларидан таркиб топди. Улар орасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг биринчи котиби Одил Ёқубов, машҳур жамоат арбоби Нуриддин Акромович Муҳиддинов, СССР халқ рассоми Раҳим Аҳмедов, таниқли кинорежиссёр Малик Қаюмов ва бошқалар бор.

Навоий номли жамғармага маблағ Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Навоий номли ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари қўмитасининг Тошкент шаҳар Куйбишев бўлими саноат қурилиш банкида очилган 000141421 рақамли счётига ўтказилиши мумкин. Бу ҳисобга дастлабки кунларда жамоат ташкилотларидан йигирма минг сўмдан ортиқ маблағ тушди. Навоий жамғармасига давлат ва жамоат ташкилотларидан ташқари алоҳида кишилар ҳам пул ўтказа оладилар.

Алишер Навоий мухлислари чет элларда ҳам оз эмаслигини ҳисобга олиб, ташқи иқтисодиёт банкида ҳам Алишер Навоий жамғармаси ҳисоби очилади, бу ҳақда кейинроқ хабар берилади.

Маблағ, биринчи навбатда, Алишер Навоий ижодини, шунингдек, ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини мамлакатимизда ва чет элларда кенг тарғиб қилиш ишларига сарфланади. Бундан ташқари, маблағдан адабиёт ва санъатнинг келажагини белгилайдиган ёш истеъдодларга моддий ёрдам бериш учун фойдаланилади. Иқтидорли ижодкор зиёлиларга кўмаклашиш — Навоий жамғармасининг олижаноб вазифасидир.

Фонд фаолиятига доир барча саволлар билан қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 98-уй, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Навоий номли ва Ҳамза номли Давлат мукофотлари қўмитаси. 40-хона, Навоий жамғармаси. Телефонлар: 45-85-20, 45-83-26.

ЧТ — УМИД ОСТОНАСИ



Доим куйиниб юрамиз: «Ўзбекистонда спортнинг аҳволи оғир. Шароит йўқ. Етук спортчилар етишиб чиқмаяпти» деб. Ҳақ гап. Бунга эътироз билдириш ҳам мушкул. Рост-да, ҳақиқатан ҳам жумҳуриятимиз спорти бугунги кунда энг мураккаб даврни бошидан кечиряпти. Мухлислар айтиб юрадиган бир ҳақиқатни тан олмай, илож йўқ. «Дунёга донғи кетган спортчиларимиз худди ўша биз ҳадеб қоралаб ётган турғунлик йилларида етишиб чиққан-ку? Нега эндиликда уларнинг издошлари чиқмаяпти?» деган гапда жон бор. Йўқ, «ноумид шайтон». Эртанги кунга ишониб яшашга не етсин?..

Биз қуйида сўз юритаётган жажжи беллашув кўп марта ўтказилади. Катта-кичик мақолалар ҳам ёзилади. Йиллар эса дарёдек оқиб ўтаверар экан. Бутуниттифоқ комсомоли Марказий қўмитасининг «Чарм тўп» клуби соврини учун ўтказиладиган мусобақа ҳам мана (1975—1976 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида) ниҳоясига етди. Ҳал қилувчи босқичда қатнашган ўн бир команда ғолиблик учун кескин кураш олиб бордилар. Шундай қилиб, биринчи ўринни Тошкент шаҳрининг «Олимпия» командаси эгаллади. Улар қорақалпоғистонлик («Труд») тенгқурлари билан куч синашиб, 4:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Учинчи ўринни эгаллаган Сирдарёнинг «Олға» командаси ўсмирлари эса кашқадарёлик («Айиқчалар»)ни 2:1 ҳисобида енгишди. Шу ўринда мусобақада энг яхши ўйин кўрсатган дарвозабон ва ўйинчиларнинг номларини ҳам келтириб ўтамиз. «Энг кўп тўп урган бомбардир» — Қудрат Раҳимов («Олимпия» — 10 та тўп), «Энг моҳир дарвозабон» — Атауллаев («Айиқчалар»), «Энг яхши ярим ҳимоячи» — Жуманиёзов (Хоразм), «Энг яхши ҳужумчи» — Назаров («Олға» — Сирдарё)...

Барибир умид қиласан киши. Бугун номларини санаётган командалар сафида маҳорат кўрсатган ўйинчилар эртага улғайиб, балки ўзбек футболининг «юлдуз»лари бўлиб етишса не ажаб? «Бола бошидан» деган гап аслида тўғри. Ҳаммаси болаликдан бошланади. Бизнинг халқдай чидамли, меҳр-шафқатли халқ дунёда йўқ десак лоф бўлмас. Мана шу суратларда кўриб турган болакайлар бир кун келиб Ўзбекистон спорти шарафини ҳимоя қилишига ишонамиз. Лекин тилак билан иш битмайди. Ҳалигача ҳисоби номаълум бўлган ташкилотлар, муассасалар, қолаверса, сизу-биз уларнинг бошини силашимиз керак. Шундагина мақтансак арзийди: «Келажагимиз ишончли қўлларда!» деб. Унгача шошилмайлик. Умид остонасини хатлаб келаётган ўсмирларга омад тилайлик...

Н. ЖАЛИЛ.

***







СУРАТЛАРДА: «Чарм тўп» клуби соврини учун ўтказилган мусобақадан лавҳалар. Биринчи ўринни олган «Олимпия» командаси аъзолари. Совринлар топширилаётган пайт.

Муҳаммад АМИН суратлари.

СОҒАЙИБ ҚАЙТИНГЛАР!

Афғонистонда хизмат қилган собиқ жангчилардан 20 киши даволаниш учун Тошкентдан Куба жумҳурияти пойтахтига учиб кетди. Улар Гаванадаги ортопедия госпиталида 45 кун давомида терапевтик даволаниш ва руҳий тикланиш тўла курсидан ўтадилар. Тошкентлик шифокорлар ана шу госпиталь билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлар. Уларни қулай протезлар билан таъминлайдилар, юришга ўргатадилар...

Ўзбекистонлик ва кубалик шифокорлар ўртасида шу йил май ойида ҳамкорлик бошланган эди. Ўшанда бутун Ўрта Осиё минтақасидаги собиқ ногирон жангчиларни текширувдан ўтказишга қарор берган кубалик врачларнинг дастлабки гуруҳи Тошкентга келган эди. Ўшанда Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондаги мингга яқин ногирон текширувдан ўтказилиб, протез билан таъминлаш учун 40 киши танлаб олинди. Кубалик шифокорлар йигитлар ғоят хўшнудлик билан кутиб олинишини айтдилар. Улар учун қулай палаталар тайёрлаб қўйилган, врачлар энг янги асбоб-ускуналар, протез учун техника билан таъминланган.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет қўмитаси собиқ жангчиларнинг йўл ва даволаниш харажатларини ўз зиммасига олди, тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон қўмитаси уларнинг ҳар бирига минг сўмдан пул берди.

ЎзТАГ мухбири.

СУТ КЎПАЯДИ

ОЛТИНКЎЛ ноҳиясининг Калинин номли жамоа хўжалигида янги техника ишлатила бошланди. Бу ерда витаминли талқон тайёрлайдиган ускуна ишга туширилди. Унда ҳар соатда 650 килограмм жуда тўйимли озуқа тайёрланади. Товар — сут фермасида яна бир машина — «Корк-15»дан ҳам фойдаланила бошланди.

Бу механизмларни «Агропромтехника» линия-монтаж бошқармаси мутахассислари ўрнатдилар. Хўжалик ёш чорвадорларини янги ускунада ишлашга ҳам улар ўргатдилар.

Озуқа тайёрлашнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ҳар кеча-кундузда соғиб олинадиган сут миқдорини анча кўпайтириш имконини беради.

Шу сонга хабар

Вилоят комсомол қўмиталари пленумлари

ЖИЗЗАХДА вилоят комсомол қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари иккита асосий масалани кўриб чиқишди — «ВЛКСМ XXI съезди якунлари ва вилоят комсомол ташкилотининг съезд қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида», «Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига делегатлар сайлаш тартиби ҳақида».

Худди шундай кун тартиби Сирдарё, Андижон, Фарғона вилоятлари комсомол қўмиталари пленумлари ҳам диққат марказида турди. Самарқандликлар ҳам навбатдаги пленумга тайёргарлик кўришмоқда.

Ўш вилоятидаги вазият

ФРУНЗЕ. (ҚирТАГ—ТАСС). Ўш шаҳрида ва ноҳияларда ҳаёт ўз изига тушмоқда. Вилоят марказида барча маиший хизмат, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишлаб турибди. Қурилиш ташкилотларида одамларнинг ишга чиқиши 95,6 фоизни, саноат корхоналарида 87 фоизни ташкил этди.

30 июлдан 31 июлга ўтар кечаси вилоят марказидаги ғишт заводи атрофида номаълум шахс ҳарбий хизматчини ярадор қилди. Азият чеккан ҳарбий хизматчи госпиталга олиб борилди. Жиноятчини қўлга тушириш чоралари кўрилмоқда.

Ўзган ноҳиясида вазият сезиларли даражада яхшиланди.

Ўтган кунлар давомида Ўш вилоятида 35 та жиноят ва воқеа қайд этилди. 10 та ўт очиш қуроли тортиб олинди.

«Қалбларингиз тафти офтобдан иссиқ...»

«Кўнгиллилар тинчлик учун» ташкилоти аъзолари — америкалик тинчлик элчиларининг Ўзбекистондаги сафари ниҳоясига етди. Илгари хабар қилганимиздек бу ташкилотнинг асосий мақсади дунёнинг турли мамлакатларидаги тинчликсевар кучлар билан дўстлик алоқалари ўрнатиш, у ерларда кўнгилли фидойилар лагерлари тузиш. Ҳар йили кўплаб ташаббускорлар ёз ойларини мазкур лагерларда ўтказиб, болалар уйи ва интернатларга ғамхўрлик кўрсатадилар, меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда қатнашадилар. Ташкилот аъзолари асосан талабалардир. Яна шуни айтиш керакки, «Кўнгиллилар тинчлик учун» ҳаракатномаси аъзолик бадаллари ва хайр-эҳсонлар ҳисобига амалга оширилади. Фақат айрим лойиҳаларнигина ЮНЕСКО маблағ билан таъминлайди.

Ўзбекистонга тинчлик элчилари жумҳурият Ёшлари ташкилотлари қўмитаси билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш учун ташриф буюргандилар. Хабар берганимиздек, улар Самарқанд ёшлари билан учрашувлар ўтказиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишиб бўлишгач, Тошкентга келдилар, Қибрайда шафтоли ва узум теримида қатнашдилар, музейларга бордилар.

Душанба куни меҳмонлар Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасида қабул қилинди. Учрашувни Марказқўм биринчи котиби А. Носиров очди.

— Америка халқи эришган ютуқлар ғоят катта, — деди у ўз сўзида. — Биз жуда кўп нарсаларни сиздан ўрганишимиз лозим. Ҳозир халқимиз океан ортида душманлар яшайди деб ўйлаймайди. Биз барча мамлакатдаги кишиларнинг муваффақиятларидан хурсанд бўлишимиз керак, зеро, бу фақатгина бир халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг ютуғидир.

Кейин А. Носиров ва Ўзбекистон ССР ЁТҚ раиси А. Саидов меҳмонларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Учрашув якунида делегация раҳбари Питер Колдуэлл комсомол ходимларига самимий ва дўстона қабул учун ташкилот аъзолари номидан раҳмат айтди.

— Қалбларингиз тафти офтобдан ҳам иссиқроқ экан, — деди у.

Қаердасиз, жигарларим?!

Ҳурматли редакция! Рўзномангиз орқали жигарларини йўқотган кўплаб одамлар яна дийдор кўришаётгани мени Сизларга мактуб йўллашга чорлади. Мен ҳам синглим ва икки укамни йўқотганман.

Синглим Мадина Ражабова 1966 йилнинг 6 майида туғилган. 1971 йил 1 Май намойишида Гулистонда уни йўқотиб қўйганман. Қўлида туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам бор эди. Унинг сочлари сариқ, кўзи кўк эди.

Укаларим Эркин ва Шермат билан ёшликда ажрашиб кетганмиз. Тахминимча, улар Чирчиқ шаҳрида ёки шу атрофда яшаб, қайсидир заводда ишлашади. Укаларимнинг каттаси 1958 йилда, иккинчиси тахминан 1962 йилда туғилган.

Жигарларим Мадина, Эркин, Шермат! Қаердасизлар! Мен сизларни кутаяпман.

Опангиз Ойсара САФАРОВА.

Менинг адресим: Сирдарё вилояти, Меҳнатобод ноҳияси, «Янгиер» давлат хўжалиги, Мир кўчаси, 8-уй, 2-ҳовли.

Тунги талончилар

Кўкка бўй чўзган дарахтларнинг япроқлари орасидан мўралаб турган ой кўзи тушган манзарадан хижолат тортибми, ўзини тун осмонида сузиб юрган сийрак булутлар панасига олди. Чунки ҳашаматли иморатлар соясида икки барваста йигит пичоқ яланғочлаб, даг-даг титраётган аёлни ечинтиришарди. Тўсатдан улардан бирининг қараши М. Ф. нинг оғзидаги тилла тишга тушди. Виждони сўқир ярамаслар аввалига қимматбаҳо қопламани қўллари билан суғуриб олмоқчи бўлишди. Наф чиқмагач, тош билан тишларни қоқиб туширишга киришдилар.

Акмал Икромов ноҳияси ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув бўлинмаси ходими Р. Раҳимбобоев ярим кечаси Чилонзор даҳасидаги ўзига бириктирилган ҳудуд бўйлаб юрганди. Ҳар бир кўланка, ҳар бир товуш уни сергакликка ундарди. 21-маҳалладаги 1-уй олдидан ўтаётиб дарахтлар орасида қандайдир шарпалар ўралашиб қолганини сезди, оз ўтмай аёл кишининг инграгани қулоғига элас-элас чалинди.

Қўлини силтаган ўсмир аёлнинг зўрлаб очилган оғзига яна бир марта уришга улгурмади.

— Тўхта, қўлингдагини ташла! — кескин буйруқ янгради.

Қочишга шайланганлар милиция ходимининг ёлғизлигини кўриб, ўзларини ўнглаб олишди. Улардан бири эса боягина жабрдийда аёлнинг биқинига тиралган пичоқ билан Р. Раҳимбобоевга ташланди. Бироқ қўрқитишга қаратилган режаси пучга чиқди. Етти йилдан бери ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ва қуролли жиноятчиларга неча бор юзма-юз келган йигит ҳам бўш келмади. Ғилофдан тўппончасини чиқариб ҳавога икки марта огоҳлантирувчи ўқ узди. Шунга қарамасдан ҳужумни давом эттираётгани учун учинчи ўқ билан унинг тирсагидан яралади.

Текширишда маълум бўлишича, гулқоғозчи бўлиб ишлайдиган 17 ёшли М. С. илгари ҳам жиноят содир этгани учун судланган ва ёшлиги ҳисобга олиниб, ҳукм ижроси кечиктирилган экан. Начора, «қилмиш-қидирмиш» дейдилар. Суд курсисида иккинчи марта ўтириш оқибати энди юмшоқ ҳукм билан тугамаса керак...

«Ширин тилли» босқинчилар

Шарқнинг энг катта ҳаво дарвозаларидан бири ҳисобланган Тошкент тайёрагоҳи хизматидан ҳар куни минг-минглаб ҳамюртларимиз, меҳмонлар фойдаланадилар. Айниқса, ёз пайти ҳаво улови йўловчилари сони бир неча карра ортади. Шунинг учун қўналғанинг кутиш зали ўзининг тайёрасига муштоқ кишиларга торлик қилиб қолади. Фарғоналик Наталья К. тунни қандай ўтказиш ташвиши билан хаёл суриб турганда, икки ширинсухан номаълум йигит унга ёрдамларини таклиф қилишди. Йўл азобидан толиқиб турган 29 ёшли аёл ўйлаб-нетиб ўтирмасдан номерсиз машинага ўтириб, Юнусобод даҳасидаги ётоқхоналардан бирига келди. Бу ерда ҳордиқ чиқараман деб қаттиқ янглишганини сезди. Чунки ҳозиргина тилидан мой томиб турган «ҳожатбарор»лар хонага киришгач, пичоқ ўқталиб унинг номусига тегишди. Сўнгра Натальянинг 60 сўм пули ва сирғасини тортиб олиб ғойиб бўлишди.

Баҳромжонни кўрганлар борми?

Дилбандини йўқотган кишилар изтиробини тушуниш қийин эмас. Ушбу суратдаги болакайнинг ота-оналари ҳозир туну-кунни қандай ўтказаётгани ҳаммага маълум. Фарғона вилояти Бағдод ноҳияси Майловой қишлоғида яшовчи, 1980 йилда туғилган Баҳромжон Шокиржонович Аҳмаджонов тўсатдан йўқолиб қолди. У 7 июнь куни эрталаб соат 9 ларда уйидан чиқиб кетган ва дом-дараксиз йўқолган. Ҳозиргача унинг қаердалиги номаълум.



Белгилари: паст бўйли, сочлари ва кўзи қора, озғиндан келган, юзлари оппоқ. Алоҳида белгиси: қулоғи оғирроқ, гапни яхши англамайди, ўзи тўғрисида аниқ жавоб беролмайди, яшаш жойини айтолмайди.

Баҳромжонни кўрган ёки унинг қаердалигини билган кишилардан энг яқин милиция бўлимларига «02» рақамли телефон орқали хабар беришларини илтимос қиламиз.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
жумҳурият ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими, милиция капитани.

Шу сонга хабар



Ғузор ноҳиясидаги Куйбишев номли давлат хўжалигида янги тикувчилик фабрикаси ишга тушди. Янги корхонанинг очилиши бу ердаги хотин-қизларнинг юз нафардан зиёдроғига иш билан таъминланиш имконини берди.

Қарши тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали ҳисобланган янги фабрикада эркаклар кўйлаклари тикилмоқда. Ҳозирча бу кичик корхона кунига 2 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

СУРАТДА: хўжалик директори Искандар Бўриев илғор тикувчи (чапдан) Замира Жўраева ҳамда уста Розия Турсуновалар билан.

Ш. ШАРОПОВ
суратга олган.
(ЎзТАГ).

Ахлоқ мавзуида

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Азалда ота-боболаримиз иморатни бузиб, ўрнига янгисини қураётганда албатта эскининг гуваласидан фойдаланишган. Чунки улар бу янги иморатнинг пойдеворини зарангдан ҳам мустаҳкам қилинишини яхши билишган. Гоҳида ўз ҳаётимга назар ташлаганимда, кўп нарсада биз ота-боболаримизнинг удумларини унутиб қўймадикмикан, деб ўйланиб қоламан. Ҳар қадамда ўтмишимиздан воз кеча бориб, ҳаётимизни бутунлай янгитдан қуришга уриниб, кўп нарсани бой бериб қўймадикмикан? Албатта, бу менинг шахсий фикрим. Чунки мен ҳамманинг номидан гапириш, ҳамма учун хулоса чиқариш ҳуқуқига эга эмасман.

Биз болалигимизда икки хил муҳитда тарбия топдик. Аксарият ҳолларда оиладаги ва мактабдаги тарбия муҳити бир-бирини инкор этарди. Бу эса ҳеч кимни ташвишга солмасди.

Эсимда, уйда ота-оналаримиз бизга, кексаларни ҳурмат қилинглар, улардан ҳаётда сабоқ олинглар, десалар, мактабда ўқитувчиларимиз бизга, қарияларнинг кўп ҳам гапига киравманглар, улар миянгизни йўқ жойдаги нарсалар билан тўлдириб ташлашади, дердилар. Ота-оналаримизни фикрича, соқол қўйган, салла ўраган нуроний қарияларимиз ҳаётни аччиқ-чучугини тотиган, кўпни кўрган, кўп нарсани биладиган кишилар бўлса, ўқитувчиларимиз учун уларнинг аксарияти педагогикага қарши иш кўрсатганлар ҳисобланишади. Биз ўшанда ота-онамизга ҳам, ўқитувчиларимизга ҳам ишонишни билмай ора йўлда қолардик.

Қаранг, бугун биз кексаларимизни ёшларга кўрсатаётган тарбиявий таъсири сезилмаётгани, ёшларимизда эса отахонларга нисбатан ҳурмати йўқолиб бораётганлигини куйиниб айтаяпмиз. Аслида, бунга ҳар биримиз вақти-соати билан замин яратиб келганлигимизни тан олгимиз келмайди.

Бир гал суҳбат устида нуфузли идоралардан бирида қоровуллик қилаётган кекса отахон, ўзимдан кичик, мансаби катта одамларга салом берсам, улар ҳеч уялмасдан алик олишади. Баъзида саломим жавобсиз ҳам қолади. Бундан ўзим уялиб кетаман, деганди. Ўшанда мен отахонга, бундан сира хафа бўлманг, улар уятини мансабга алмаштиришган, дегандим.

Ҳа, биз мансабга жуда кўп қадриятларни алмаштирдик. Чунки бизда вазифа ҳамма нарсадан юқори қўйилади. Раҳбар шахслар учун ҳамма нарса мумкин бўлиб қолди. Улар истасалар халқимиздаги энг ноёб фазилатларни, урф-одатларни оёқ-ости қилиб ташлашлари мумкин эди. Шундай бўлди ҳам. Мансаб туфайли якка ҳукмдорликка эришган шахслар оддий халқ билан ҳисоблашмай қўйишди.

Эътиқоди бўлмаган одамдан путур кетади, деймиз. Бу фикрни халқимиз жуда топиб айтган. Биз болалигимизда кимга ёки нимага эътиқод қуйиб яшашни билмадик. Чунки ҳаммамиз учун юксак эътиқоднинг ўзи йўқ эди. Бизни ҳақиқатгўй бўлишга, ҳалол бўлишга ундаган талайгина раҳбарлар чўнтагига эътиқод қўйиб, бойишни ўйладилар. Умуман бизда ўша даврларда пулга сотилмайдиган ва топилмайдиган нарсанинг ўзи қолмади. Жамиятимизда «муллажиринг» очолмайдиган эшикнинг ўзи йўқ бўлиб қолди. Ҳаттоки, авлодлар удумига қарши бориб, уйимиз тўрини кексаларимиз қолиб, мансабдорларга, пулдорларга бўшатиб бердик.

Яқинда танишларимдан бири мени ўғлининг суннат тўйи олдидан ўтказаётган маслаҳатга айтди. Шунда мен унга, «Нима мен тўй қилиб юрган бўлсамда бу борада сенга маслаҳат берсам, яхшиси қишлоғингдаги кексаларни чақириб, уларга қулоқ солсанг бўлмайдими», дедим. Ўшанда у, «Кексалар насиҳат қилавериб, бошингни қотириб ташлашади. Мени маслаҳатчим — чўнтагимдаги пулим, шунчаки ўртоқлар билан бир чақчақлашамиз» деди.

Қаранг, ҳаётимизда пул — бизнинг ишончли маслаҳатчимизга, яхши урф-одатларимиз эса унинг қурбонига айланибди.

Кўз ўнгимда фарзандим вояга етаяпти. Бир кун келиб у ҳам ўз оламига эга бўлади. Фақат ўз тарихини, тилини, маданиятини, миллий урф-одатларини, динини яхши билмаган мендай ота ўз фарзандининг маънавий оламини бойитиш учун нима бера олади? Бу саволга жавоб беришга ожизлик қиламан. Вақт эса кутиб турмайди. Ҳа, ўша биз билган турғунлик даври на фақат еримизни сувимизни, табиатимизни заҳарлабгина қолмай, балки бизнинг онгимизни ҳам заҳарлади. Ҳозир унинг асоратидан қутилиш учун яна қанча-қанча йиллар керак бўлади. Шундай экан, ҳеч бўлмаганда биз энди вояга етаётган ёшларимизни ўзларининг бой маънавий оламига эга бўлиши учун курашайлик.

С. ПРИМОВ,
Шаҳрисабз шаҳар комсомол қўмитасининг бўлим мудири.

Тириклик қадри

Ҳар йили элу-юртга тўкинлик, шодмонлик, фаровонлик ва қувонч улашадиган баҳор, ёз фасллари (қиш кузи-ку айтмай қўяқолай) Ҳазорасп ноҳиясининг энг чекка Питнак қишлоғида истиқомат қилаётган Абдрим бобонинг уйига деярли ҳеч нарса улашмайди. Бу уйнинг остонасидан Қувончнинг қадамлари узилганига кўп бўлган...

Абдрим бобонинг ёши саксон учда. Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, биринчи гуруҳ ногирони. Беш жойидан яраланган. Бобонинг уруш йилларида тортган азоб-уқубатлари кам экан. Ёши бир жойга етиб қолганида шафқатсиз тақдирнинг оғир аламлари қаддини букди. Юрагига қил сиғмайди бугун.

Бобо ҳақида эшитгандим. Ёлғизлигини ҳам, иссиқ-совуғидан ҳеч ким хабар олмаслигини ҳам. Дунёда энг ёмони — ёлғизлик. Яқинда у кишини кўрай деб излаб бордим. Питнак қишлоқ шўросидагилар аввалига менга ажабланиб қарашди. «Қайси Абдрим бобони сўраяпсиз?» дейишди билмаганга олиб. Гапни бир бошдан бошлаганимда: «шундай демайсизми, ҳа, у киши бизнинг фахримиз. Ҳолидан доим хабар олиб турибмиз. Уй солиб бердик. Давлатдан 130 сўм нафақа олади. Ками йўқ. Фақат шу...» хижолат тортгандек ҳам бўлишди.

Барибир кўнглим таскин топмади. Узоқ бўлса ҳам излаб бордим. Кўзларимга ишонмадим. «Наҳотки шу ерда одам яшаса-я?» дея ёқамни ушладим. Яна дарвозасига «Бу уйда Улуғ Ватан уруши қатнашчиси яшайди?» деб ёзиб қўйишганига ўлайми? Ҳовлига ростини айтсам, киришга қўрқдим. Зах босиб кетган пастаккина уйнинг деворлари нураб тушай-тушай деб турибди. Ичкариладим. Бобонинг ҳазин овози келди:

— Кимсиз, киравермайсизми?

Хароба уйнинг 1988 йили қуриб берилганига ҳеч ишонгим келмайди. Қўланса ҳиддан димоғи қайтади кишининг. Абдрим бобони гапга тутаман.

— Эй болам, нимасини айтасан, наридан-бери яшаб юрибман, тупроқдан ташқари. Нима қилай, кўнгил сўрайдиган кишим бўлмаса. Биров «ҳолинг не» деб сўрамаса. Бу дунёда сенга жони қайишадиган кишинг бўлмаса тириклигинг бекор экан. На илож, куним ўтиб турибди...

...Абдрим бобо ҳам айни қирчиллама ёшида биринчилар қатори урушга кетган. Қаҳрамонлик кўрсатган. Ярадор бўлган. Оиласи ана шу оғир азобда кечган йилларда очликдан вафот этган. Уруш тугагач ҳам у кишининг бири икки бўлмади. Уйланди, лекин тақдир деганлари ҳаммага ҳам вафо қилавермас экан. Нима бўлса ҳам пешонасига ёзилганини кўрди. Чидади.

— Шунча тортган азобларим тугамаган экан. Айтсам, ишонмайсан. Шу ўтирган уйимга супурги тегмаганига икки йил бўлди. Устимдаги кийимларимнинг ювилмаганига эса саккиз ой бўлди. Пул бериб ювдиришга ҳам одам йўқ. Айниқса, қишда жуда қийналаман. Деворларнинг тешикларига тўнимни тиқиб қўяман. Совуқ пайтлари жароҳатларим қийнайди. Кечалари ухлолмайман.

— Кимлар ҳолингиздан хабар олиб туришади?—сўрайман астагина.

— Ҳарна бўлса-да қўни-қўшниларим чиқиб туришади. Бошқалар эса ҳар-ҳар замонда келиб кетади. Бир келиб кетса ҳам севиниб қоламан. «Мени эсдан чиқаришмабди» деб. Шунисига ҳам шукр қилиб ўтираман. Келмаса на дейман. 800 метрча ерим бор эди, кўп кўришиб, посёлкага бериб юборишди. Танамда сал қувватим бор пайти шу бир парча ерга ул-бул нарса экардим. Энди уям йўқ. Газ плита ташлаб кетишувди, эскими, ишламаяпти. Болам сўзинг ўтса айтгин, менинг еримни қайтариб беришсин. Ахир шу ер, шу азиз тупроқ учун қон кечгандим-ку? Наҳотки, тириклигимда ўз еримни раво кўришмаса?..

Бобони қай сўз билан юпатишни билмадим. Унинг ўксик дилига таскин бўладиган сўз бормикан дунёда? Йўқ, йўқ... Ёлғизлик ҳукмрон бўлиб ётган бу ҳовлидан қандай чиққанимни билмайман. Лекин унинг «Йўқлаб келган қадамларингдан айланай болам. Одамнинг заҳрини одам олади. Қанийди, ҳар доим одамлар мени шундай йўқлаб туришса? Бу дунёдан кўз юмгунимча худога нола қиламан; Илоё, худойжон, мени ёлғиз жонимни олмагин. Элу-юрт тепкилаб кўмсин ишқилиб». Ҳеч кимдан нолийдиган жойим йўқ. Фақат сўраб туришса бўлгани, деган нолалари юрагимни эзиб юборди.

Уйдан чиққач, ўн қадамча юриб ортимга бурилиб қарадим. Абдрим бобо ҳассасига суянганча ерга термулиб ўтирарди. Бобо билан учрашганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Анча ўйладим. Қандай қилсак, унинг дардига малҳам бўламиз. Ахир Улуғ Ватан урушининг қонли жанггоҳларида ўлим билан юзма-юз келиб, жон олиб, жон берган Абдрим боболар сафи кун сайин камайиб бораяпти. Улар бизлар учун тирик тарих. Яна беш-ўн йилдан сўнг бу жонли гувоҳларни қайдан топамиз. Бундай кишиларни тириклигида қадрламасак, ўлганидан сўнг не фойда? Шулар эмасмиди, бизнинг бугунги ёруғ кунларимиз учун жонларини фидо қилганлар, қўлларидан, оёқларидан, кўзларидан айрилганлар?

Бугун бундай табаррук боболаримиз қадрига етмасак, эртага кеч бўлади, Абдрим боболар кейин қайтиб келмайди. Уларнинг ҳар бирининг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб, бир оғиз бўлса-да ширин сўзимизни дариғ тутмайлик, беш кунлик дунёда бир-биримизни суййлик одамлар!..

Каримбой ОЛЛАҚУЛИЕВ,
Хоразм вилояти.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

● Оржоникидзе ноҳиясида бунёд этилаётган бир марта фойдаланиладиган шприцлар заводи асосий ишлаб чиқариш корпусининг монтажи ниҳоясига етказилди. Аввал хабар берилганидек, Испаниянинг «Фаберсанитас» фирмаси ушбу корхонани қуриб, калитини топширишга киришган эди.

Ҳозир заводнинг ташқи кўриниши кишилар кўз ўнгида пайдо бўлмоқда. Бу кумушсимон рангли сэндвич-панеллар деб аталган енгил материаллардан бунёд этилаётган ихчам бино саноат корхонасидан кўра нимаси биландир илмий фантастик асарлардаги корхонани эслатади.

«Медиз» тижорат корхонаси 1991 йил бошларида дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқаришга ваъда бераётганлигини эслатиб ўтамиз. Завод йилига 100 миллион дона бир марта фойдаланиладиган шприц ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

● Бичиш цехида ўтган йили иккита электрон-ҳисоблаш машинасидан фойдаланиш натижасида олинган катта иқтисодий самара Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасини бошқарувнинг автоматлашган системасини жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлигига ишонтирди.

Бирлашма чет элдан яна бешта компьютер сотиб олди. Тошкент автоматлаштирилган бошқарув системаси лойиҳа-конструкторлик бюросининг мутахассислари уларни ўрнатиш ва созлаш борасидаги ишларини амалга оширишмоқда.

● Андижон ип газлама бирлашмасининг тиббий даволаш қисми идора назоратидан чиқарилиб, тармоқ соҳасига берилди. Энди ушбу табобат муассасасининг хизматларидан жумҳурият енгил саноат вазирлигига қарашли тикувчилик, трикотаж буюмлари, пойабзал бирлашмаларининг меҳнаткашлари ҳам фойдалана оладилар.

Вилоят марказининг хушманзара чеккасида 162-қурилиш трести жамоаси яқинда бунёд этган тиббий даволаш қисми автомобиль йўлларидан анча узоқда жойлашган, бу ерда шаҳар шовқини ҳам эшитилмайди. (ЎзТАГ).

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

Юрий ФЕДОРОВ,
ёш саёҳатчилар «Излаш» Самарқанд станцияси гуруҳининг раҳбари

Қизил бригада командири Пау

Самарқанддаги Пау-Ти-Сан ва Ли-Жун кўчалари... Мана шу кўчаларга номлари қўйилган кишиларнинг ўзлари ким ва улар ҳақида биз нималарни биламиз? Шу кўчаларда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида ўтказилган сўров пайтида ҳеч ким тўғри жавоб қайтаргани йўқ. Фақат кекса авлод кишиларигина шундай ғайритабиий номлар қаердан келганлигини хотирлашди.

Пау-Ти-Сан ва Ли-Жун мамлакатимиз фарзандлари эмас. Улар бошқа диёрларда таваллуд топишган, содиқ, ишончли дўстларимиз бўлиб, инқилоб ишини, Шўролар жумҳуриятини ҳимоя қилишда ўз жонларини ҳам аяшмаган. Бу кишиларни байналмилалчилар деб аташади. Бу сўз инқилобий кураш билан туғилган. Бундай кишилар XX аср тарихида озодлик учун кураш кўнгиллилари, меҳнаткашларнинг халқаро биродарлиги чавандозлари номи билан ҳам юритиладилар.

ХИТОЙЛИК ИШЧИЛАРНИНГ ИТТИФОҚИ

1917 — 1918 йилнинг қиши. Октябрь инқилоби штаби — Смольний. У ерда Ленин ишларди. Смольнийни қўриқловчи отрядда тўрт хитойлик қизил гвардиячи бор эди. Гуруҳга Ли Фуцин бошчилик қиларди.

Россияда инқилоб, фуқаро уруши даврида турли сабабларга кўра шу ҳудудда 200 — 250 минг хитойлик бўлган. Уларнинг асосий қисмини биринчи жаҳон уруши йилларида чор ҳукумати арзон ишчи кучи сифатида ёллаган кишилар ташкил этарди. Хитойликлар Москвада ва Ленинградда, Ўролда ва Донбассда, Шимолда ва Сибирда, Узоқ Шарқ ва Туркистонда... ишлашарди.

Ана шу хитойликлар инқилобни ўз инқилоби сифатида қабул қилишди ва Россия Коммунистик фирқа большевиклари томонидан катта ишончга сазовор бўлдилар. Ленин ташаббуси билан 1918 йил декабри бошида Петроградда хитойлик ишчиларининг Бутунроссия иттифоқи ташкил этилади. Бу иттифоқ ўзига эллик мингдан зиёд кишини бирлаштиради. Унинг филиаллари хитойликлар истиқомат қилаётган барча шаҳарларда ташкил этилади. Москва Шўросининг ялпи мажлисларидан бирида 1919 йилнинг февралида Москва хитойлик ишчилар иттифоқи вакили шундай дейди: «Фақат Ғарб йўқсилларига эмас, балки Шарқ йўқсилларига ҳам байналмилал ёрдам кўрсатишни амалга ошириш пайти келди. Хитойлик ишчилар Хитой турмушининг Шарқ шароитларига мос тушадиган барча янгиликларини, курашнинг янги усулларини сиздан ўрганишни хоҳлайдилар».

1918-1922 йиллардаги фуқаро урушининг деярлик барча жанггоҳларида хитойлик кўнгиллиларнинг отрядлари юзага келиб, улар Қизил Армияга қўшилдилар. 1918 йил кузида Москвада РСФСР ҳудудида барча хитойлик отрядларни шакллантириш штаби ташкил этилади. Унинг ваколатига қаерда хитойлик аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, шу шаҳарларда иш олиб бориш киради. Штабнинг комиссари фирқа Шен Ченхо бўлган.

ФАКТЛАР ВА ТАХМИНЛАР

Пау-Ти-Сан қизил командирнинг тақдири туғилганидан то ҳалокатигача бўлган даври сирлидир... Биз ўзимизнинг изланишларимизни бошлаганимизда фақат унинг оиласи Самарқандда истиқомат қилганлигини, қизи шу шаҳардаги А. Крилов номли 30-мактабни тамомлаб, кейинчалик Самарқанд тиббиёт институтида таҳсил кўрганлигини аниқладик, холос. Изланишларни олиб боришимизда олий ҳиммат кишилар яқиндан кўмак бердилар. Улуғ Ватан уруши ветерани, Самарқанд Давлат музей-қўриқхонасининг ходими Г. В. Попов ва ХХЖга радио эшиттириш олиб борадиган Москва радиосининг катта муҳаррири П. П. Коровяковский кўпгина нарсаларни сўзлаб беришди. Бахтга қарши қизил командирнинг қизи Элеонора Пау-Ти-Сан — Сибирякова 1987 йилда вафот этган. Ундан набиралари ва эвaралари қолган. Улар Ригада истиқомат қилишади. Лекин биз мактуб орқали боғланишларимиздан улар ўз бобоси ҳақида кам нарсадан хабардор эканликларига ишончимиз комил бўлди.

Совет Армияси Марказий архиви берган маълумотномага кўра, Пау-Ти-Сан Константин Георгиевич 1887 йил 21 майда Хитойнинг Мукден (ҳозирги Шэньян) шаҳрида туғилган. Пау-Ти-Саннинг ўз ҳикоясига кўра, унинг болалигида чор генерали Вачнадзе олиб келган. У Тифлисда гимназияни тугатиб, кейинчалик Петербургдаги технология институтида ўқиган. Русча, грузинча, инглизча эркин гапирган ва ёзган. Лекин ҳамиша асил хитойлик эканлигини ва ўз она тили ватани тили эканлигини таъкидлаган.

РКП (б) архивининг берган маълумотномасига кўра, Пау-Ти-Сан 1917 йил октябрида Грозний шаҳрида катта нефтчи бўлиб ишлаган. Октябрь инқилобидан кейин Одессада, Владикавказда, Астраҳанда хитойлик отрядларни ташкил этиш билан шуғулланган. Шу билан бир пайтда 397-ўқчи полкининг хитойлик отряди командири ва ёллаш бўйича сиёсий комиссари бўлган. Тирасполда (Бессарабияда) 500 хитойликдан иборат отряд тузиб, улар билан бирга жанггоҳга йўл олган. 1918 йил августида истилочи австрия-немис қўшинларига қарши, Украинада Каледин, Петлюра отрядларига қарши жангларда қатнашган. 1919 йилгача икки маротаба жароҳатланган. Госпиталдан чиққанидан кейин бошқа хитойлик қизил гвардиячи отрядга юборилади. Бу отряд Владикавказ ва Грозний ноҳияларида жанг олиб боради.

БИОГРАФИЯСИДАГИ СИРЛАР ҲАҚИДА

Биз унинг болалиги, ўспиринлиги қандай ўтганлигидан яхши хабардор эмасмиз. Москвалик хитойшуносларни унинг исми-шарифи қизиқтириб қолди. Оржоникидзе музейи фондларида А. И. Пау-Ти-Сан деган кимсага мансуб бир неча ҳужжатлар бўлиб, унда 1930 йилда вафот этганлиги қайд этилган. Ана шу кишининг рафиқаси — Вера Адамовнада хитойлик 4-рота командири Александр Пау-Ти-Саннинг қаҳрамонимиз Константин Пау-Ти-Сан имзолаган гувоҳномаси сақланиб қолган.

Суратининг сиртдан кўринишида ҳеч қандай умумий ўхшашлик йўқ. Улар ҳатто қариндош-уруғ эмаслигини Александрнинг ўзи ҳам таъкидлаган. Хитойнинг ўзида борйўғи 200-300 асосий фамилия бўлиб, эҳтимол, бу исмни ота-онаси қўйган ҳам бўлиши мумкин. Москвалик тадқиқотчилардан бирида иероглиф ёзув бўлиб, унда «Ти-Сан» «юксак тоғ» маъносини англатиши кўрсатилган. Унда қандай қилиб Россияда бир вақтда, бир отрядда исми ва шарифи бир хил бўлган адаш бўлиши мумкин? Бу топишмоққа ўхшайди...

Бизнинг қўлимизда бўлган суратда Пау-Ти-Сан чарм костюмда маузер таққан ҳолда тушган, унинг ҳужжатига С. М. Киров имзо чеккан. Пау-Ти-Саннинг рафиқаси Евгения Макаровна Балаеванинг гувоҳлик беришича, у 1923 йилда Самарқанд шаҳрида олинган. Константин Георгиевич командирлар даврасида тушган суратдан рафиқаси фақат Пауни қирқиб олган.

Айнан мана шу сурат В. И. Ленин номли Марказий музейга қўйилган ва «КПСС тарихи» дарслиги иккинчи нашрига киритилган. Самарқандда ана шу гуруҳ бўлиб тушилган суратнинг яна бир нусхаси бўлган. Лекин у кимнинг қўлида эканлиги номаълум. Биздаги маълумотларга қараганда, Тошкентда Пау-Ти-Саннинг оиласи—Балаева-Турищчева яшаган. Агар муштарийлардан бирор бир киши Пау қариндош-уруғлари ва бошқа хитойлик байналмилалчилар тақдири тўғрисида маълумот берсалар изланишларимиз беҳуда эмаслиги ва тарихимизда номаълум бўлган яна бир саҳифа тикланган бўларди.

САМАРҚАНД САҲИФАЛАРИ

Пау отряди кўп нарсаларни бошидан кечиришига тўғри келди. Бу отряд Терекдан Кубанга, Волгага ва Донга ташланади. У ерда жиноятчи тўдаларга қарши кураш олиб боради.

Отряд Самарқандга 1922 йилнинг июлида келади. Бу ерда уни босмачиларга қарши кураш бўйича алоҳида кўнгилли мусулмон суворийлар девизиони деб аташади. Нима учун мусулмонлар девизиони? Девизионга жами бўлиб 20 миллат вакиллари кирган бўлиб, улар орасида мусулмонлар ҳам бўлган.

Девизионга энг мураккаб ва хавфли операциялар топширилади. Отряд жазирама иссиқда ҳам, қаҳратон қишда ҳам озиқ-овқатсиз бир неча кун мобайнида катта масофани босиб ўтади. Ана шундай хавфли рейдлар Жумабозорда, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли ноҳияларида ҳамда Панжикент ноҳияси тоғларида амалга оширилади.

Командир Паунинг жасоратидан гувоҳлик берувчи ҳужжатлар оз эмас. У жанггоҳга ўзи биринчи ташланиб, орқасидан аскарларни эргаштириб борарди. 1922 йил 27 ноябрда Самарқанд яқинида Ҳамроқулбек билан бўлган жангда ана шундай мардлик кўрсатган.

Паунинг қўмондонлик тактикаси алоҳида тезкорлиги билан ажралиб туради. Масалан, Мусобозор тоғли қишлоғида тўда бедодлик қилаётганлиги тўғрисидаги хабарни олиши биланоқ, шошилинч равишда йўлга чиқади. Туни билан йўл юришиб, саҳарда бозор майдонига етиб келишади. Бу ерда босмачилар 300дан ортиқ эди. Шу пайт пулемёт қўққисдан ўт очиб қолади. Пау отрядида эса борйўғи 75 суворий бўлишига қарамай душманлар тум-тарақай бўлиб қочишади.

1923 йил ёзида Пау Москвага чақирилади. Самарқандда отряд билан хайрлашишга бағишланган митингда у шундай дейди: «Биз қуролдош қардошлар бўлган эдик, ўртоқлар! Рус, ўзбек, хитой, венгер, қирғиз, тожик, белорус, туркман, армани, қозоқ, татар ва эроний — барчамиз Октябрнинг сўнмас байроғи остида большевистик фирқанинг ягона умумий олижаноб иши учун жанг қилдик. Қалбимиз урушдан тўхтамаган экан, фирқамизнинг байналмилал байроғига содиқ қоламиз».

У Самарқандда ўз оиласи — рафиқаси Евгения Макаровнани ва кичик қизи Элеонорани қолдиради. Унга ғамхўрлик қилиб туришни собиқ ўринбосари Богдан Макарович Балаевдан илтимос қилади.

Профессор Ю. А. Алескеровнинг 1959 йилда нашр этилган «Ўрта Осиёда интервенция ва фуқаро уруши» китобида Пау 1924 йилда ўз ватанида Хитой халқ озодлик армияси отрядларида жанг қилиб, ҳалок бўлганлигини ёзган. Бу сана В. И. Ленин номли музейнинг ҳужжатларида ва оиласига берилган справкада ҳам қайд этилган. Лекин унинг ҳалок бўлганлиги сири сирлигича сақланиб қолган.

УТТИЗ ЙИЛ СУКУТДАН СЎНГ...

Хитой Халқ Жумҳуриятига эшиттириш олиб борувчи Москва радиосининг катта муҳаррири П. П. Коровяковскийнинг мактубидан кўчирма келтирмоқчиман. У бизнинг изланишларимизга қўшилган. «Пау-Ти-Саннинг на қариндош-уруғлари, у тўғрисида ёзаётган на журналистлар, Узоқ Шарқ институтининг на олимлари сизнинг шаҳрингиздаги кўчада унинг номида ва Ли-Жун номида кўча борлигидан бехабар бўлишган. Бу биз учун ғоят шов-шувли воқеа. Афсуски, 30 йил мобайнида хитойлик кўнгиллилар инқилобимизда қатнашганликлари ҳақида ломмим демадик. Расман таъқиқлаш бўлмаган бўлса ҳам барча иш одат бўйича олиб борилди. Совет—Хитой муносабатлари ёмонлашган вақтда Морозовск, Оржоникидзе ва бошқа шаҳарлардаги хитойликлар номига қўйилган кўчаларнинг номлари ўзгартирилган... Масалан, мана ТАССнинг 1989 йил 16 майдаги хабари: «Осетияда унутишмайди» хабарида «1964 йилда Оржоникидзе шаҳридаги ёдгорлик таг сўзидан «Шўролар ҳукумати учун курашларда ҳалок бўлган хитойлик ўртоқларга» деган сўзлари ўчириб ташланган эди. Яқинда ана шу ёдгорлик аввал қандай бўлса, яна шундай тарзда тагсўзлар тикланган».

АПН 1990 йилда Хитой тилида китоб нашр этишни режалаштирган. Ана шу китобда «Излаш» гуруҳимиз томонидан Пау отряди ўтган довонларнинг суратлари ҳам берилади. Самарқандлик радиожурналист И. Фенютин томонидан ёзиб олинган эшиттириш Москва радиоси орқали Хитой Халқ Жумҳуриятига эшиттирилганидан сўнг 1989 йил ёзида биз Шэньян шаҳрилик тарихчи Ли-Юн-Чаннинг ана шу ҳақдаги мактубини олдик.

СИР СИРЛИГИЧА ҚОЛАЯПТИ

Пау-Ти-Саннинг расман ҳалок бўлган санаси: 1924 йил, Хитой. Лекин тарих фанлари доктори Д. И. Сойфернинг ҳужжатлари бўйича, Константин Георгиевич 1929 йилда ҳалок бўлган... Г. С. Новогрудский ва А. М. Дунаевскийнинг 1962 йилда Москвада эълон қилинган «Пау изидан» китобида ҳам ана шундай ишора бор. Лекин Хитой Халқ Жумҳуриятидан олинган фикр-мулоҳазалар билдирилган хатлар адибнинг архивида ёниб кетган.

Ҳозир бизда сўнгги маротаба Пау-Ти-Санни 1925 йил сентябрида Пятигорскда кўрган ягона барҳаёт гувоҳ қолган, холос. Бу ерда Константин Георгиевич даволанаётган бўлган. Бу кишиневлик 89 ёшли Матиросовадир. Қаҳрамоннинг ҳалокати санаси нотўғри эканлиги тўғрисида бу аёл кўпгина муаллифларга мактуб йўллаган. Бошқа тахминларга қараганда, у Хитойга махфий вазифа билан М. М. Бородин — В. К. Блюхер томонидан юборилган дейилади. Маршал В. К. Блюхер Хитойда Галин фамилияси билан юритилган. Шэньян шаҳридан хитойлик ҳамкасбим тарихчи Ли-Юн-Чан радио эшиттиришдан кейин ўз фикр-мулоҳазаси билан қатнашиб, ана шу тахминларни текшириб кўришга ваъда берди. Чунки архив материалларининг бир қисми япон истилоси пайтида Тайванга олиб кетилган. Биз Пау-Ти-Саннинг тақдири тўғрисидаги ҳужжатларни излашимиз зарур...

Биз муштарийларга, агар улар Ўрта Осиёда инқилобнинг хитойлик кўнгиллилари тўғрисида нимани билсалар, шуни хабар қилишларини илтимос қиламиз. Бу тарихнинг номаълум саҳифаларини тиклашда бизга ёрдам беради.

Бизнинг манзилимиз: 703000, Самарқанд шаҳри, Бажов кўчаси, 50, Ёш саёҳатчилар вилоят станцияси.

Мавзуга қайтиб

«ВИЖДОНИМ ОЛДИДА ПОКМАН»

ДЕДИ «ИШОНГАН ТОҒНИНГ КИЙИГИ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИДАН БИРИ МАМЛАКАТ ВОҲИДОВА

Азиз муштарий! Рўзномамизнинг шу йил 15 февраль сонида эълон қилинган «Ишонган тоғнинг кийиги» сарлавҳали мақола ёдингизда бўлса керак. Унда Фарғона вилояти Олтиариқ ноҳиясидаги Янгиқўрғон қишлоқ Шўроси, Кисловодск кўчаси 5-уйда истиқомат қилувчи Саломат Воҳидованинг шикоят хати ўрганилиб, Воҳидовлар хонадонидаги оилавий жанжаллар ва шу воқеа юзасидан иш олиб бораётган ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг сусткашликлари қаламга олинган эди.

Орадан кўп ўтмай Саломат аянинг келини Мамлакат Воҳидовадан ҳамда Фарғона ноҳияси ички ишлар бўлимининг терговчиси Абдурасул Абдуллаевдан мақолага эътирозномалар олдик. Бу эътирозномаларда «мақола бир тарафлама ёзилганлиги, ўнлаб фактлар эътибордан четда қолганлиги» кўрсатиб ўтилганди.

Тўғри, бундай бўлишини ўйламагандик. Воҳидовлар иши юзасидан тўпланган жиноий иш материалларини, томонлардан тушган юзлаб ариза ва шикоятларни ўрганиб, улар билан юзма-юз учрашиб, шундай хулосага келдикки, бу ғавғонинг минглаб тугунлари, бир-бирига зид фактлари нафақат мухбирларни, балки, ман-ман, деган қилни қирқ ёргувчи ҳуқуқ ҳимоячиларини ҳам шоширибқўйиши ҳеч гап эмаслигига имон келтирдик.

Биринчи мақолада келтирилган фактларнинг асосий қисми ҳақиқатдан иборатлигини, фақат Мамлакат Воҳидова билан Расул Дадахоновлар ўртасидаги сунъий боғланишлар, интим муносабатларга шаъма қилишлар адолатдан анча йироқлигини таъкидламоқчимиз.

Қуйида биринчи мақолада қаламга олинган айрим ва мухбиримизни ҳақиқий аҳволдан чалғитиб юборган бир неча далилларни муштарийларимиз ҳукмига ҳавола этамиз. Бу тубсиз оилавий жанжалнинг тагига етиш осон эмаслигига яна бир бор иқрор бўласиз.

Соф келинни салкам фоҳишага, содда куёвни ўз келинининг жазманига айлантириб қўйиш бу хонадон учун ҳеч гап эмас эди. Чунки, Рустам ўзининг биринчи кўз очиб кўрган «севгилиси»ни ҳам худди Мамлакатдек шармандаи-шармисор қилиб, уни иффатсизликда айблаганди. Қизнинг софлиги, ҳалоллиги эса дастлабки текширишдаёқ исботланди. Аммо, маънавий соф оилада тарбия кўрган қиз бунақа шармандаликка чидай олмай кетиб қолди. Рустам эса бир неча йил хотинсиз юрди. Тўғрироғи «туҳматчи»га маҳалла-кўйда бирор қиз севикли ёр бўлишни сира-сира истамади.

Кўпни кўрган, ҳаёт машаққати-ю, машмашасида кўзи пишиб, суяги қотган онаизор Саломатхон ая эса ёлғиз ўғлининг сўққабош ўтиб кетишини ўйлаб, изтироб чекарди. Хуллас ая йўлини топди. Ўз туғишган акасининг эндигина 10-синфни тугатаётган қизи Мамлакатга оғиз солди. Абдуҳамид ота Қундузов эса синглиси Саломатхоннинг феъл-атворини яхши билгани учун бу ишга аралашмади. Саломатхон ая эса акасидан садо чиқмагач, янгаси Турсуной аяни кўз ёшлар билан аврай бошлади. Кўнгли бўш, ёмонликни кутмаган онаизор ўн гулидан бир гули очилмаган Мамлакатнинг бахт-иқболини тилаб розилик бериб юборди.

Шундай қилиб, Мамлакат ўз аммасига келин, амма эса ўз жиянига қайнона бўлди. Рустам ўз тоғасига куёв, тоға эса ўз жиянига қайнота бўлди. Мамлакат билан Рустамнинг турмуши ширинлик билан бошланди-ю, жанжалга қоришиб кетди. Тўрт фарзандли бўлгунча у кун кўрмади ҳисоб. Гоҳ қайнонасининг ёлғон чақуви билан, гоҳ Тошкентдан келган қайнэгачиси Дилбархоннинг даккисидан Мамлакат калтакка қоларди.

Шу зайлда кунлар ўтаверди. У ажрашиб кетай, деса фарзандлари билан 80 ни қоралаган ота-онасининг уйига қандай сиғишини ўйларди. Бунинг устига болаларини тирик етим қилишни истамасди. Боламчақам, деб Рустамнинг ҳамма кирдикорларига, азобу-уқубатларига чидади. Саломатлигидан айрилиб, дардман бўлиб қолди. Фарғонадаги руҳий касалликлар шифохонасида салкам икки ой ётиб чиқди. Бу ҳолат Воҳидоваларга эрмак бўлди.

Айниқса, Тошкентда яшаётган Дилбарга. У ҳар сафар Фарғонага келганида бир ғалвани бошлар эди. Мамлакатнинг ўқимаган, чала саводлиги, қишлоқи-ю касалмандлигини юзига солаверарди. Рўзғордаги камчилиги, кир-чирларидан баҳона топар, нинадек нуқсонини туядек қилиб, Мамлакатни бу «олий маълумотлилар» хонадонига номуносибликда айбситарди.

Оилавий жанжалнинг бошланиши, кўнгил ойнасига тош отишлар шундайин эди. Афсуски, ҳар қандай кўзга илғанмас яра нозик жойдан чиққандан кейин унинг азоби ҳам ўзгача бўлишини ҳеч ким ўйламади. Тошкентдаги қизнинг хурмача қилиқлари худди ана шу нозик жойдан чиққан ярадек зимдан азоб берарди. Унинг танобини тортиб, жиловлаб қўйиш хонадон соҳибларининг қўлидан келмади. Айниқса, оила бошлиғи Ҳомиджон ота оламдан ўтгач, бу яранинг газаги янада патосланиб кетди.

Мамлакат эса дастлаб ўзимники-ку, эси кирса қуйилиб қолар, деб аммавачасининг устидан арз қилишни эп кўрмади. Ё ота-онасига ва ёки ака-укаларига билдирмади. Тишини-тишига қўйиб чидади. Йиллар ўтаверди. Дилбарнинг маккорлиги Мамлакатни туҳмат гирдобига тортди, ҳатто мухбиримизга панд берди.

Аслида келинойисини поччасига пешлашни бошлаб берган ҳам Дилбар, Мамлакатнинг хатти-ҳаракатларига гумон билан қараган, Расул Дадахоновнинг хотини Саноатни (туғишган опасини) бефаҳмликда, овсарликда, эрига эътиборсизликда айблаган ҳам Дилбар, Саломат аяга аризабозликда «устозлик» қилиб, маслаҳатгўй бўлаётган ҳам, қамалмаган Содиқ Қундузовни қамалган, деб ёзган ҳам унинг ўзи эди. Арининг уясини қўзғаб қўйиб, қишлоқдаги ҳаётдан шаҳардаги шароитни афзал кўрган, Саломат аяни опалари ёнига Тошкентга олиб кетиш ташаббускори ҳам Дилбар эди. (Саломат аянинг тўрт қизи ҳаммаси ўқимишли, Тошкентда туришади).

Мамлакатнинг ёзиш-чизишда, идорама-идора аризабозлик қилишда ҳаддан зиёд нўноқлиги ўзига панд берарди. Саломат аянинг эса бу соҳада ўқуви баланд. Қолаверса, маслаҳатдошлари бисёр. Ая қаерга арзнома ёзмасинлар, шундай, деб бошлайдилар. Айнан келтирамиз: **«...5-уйда яшовчи Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Финляндия, Япония урушлари қатнашчиси, 1939 йилдан КПСС аъзоси, партия ветерани, меҳнат ветерани — Воҳидов Ҳомиджоннинг 48 йиллик турмуш ўртоғи, фронт орқасини мустаҳкамлашда актив иштирок этганлиги учун «За трудовой фронт» ордени, «Оналик шоншуҳрати» ордени, «Кўп болалик она» медаллари нишондори, Меҳнат ветерани Саломатхон ВОҲИДОВАДАН ариза».**

Аризанинг бошланиши шундай бўлгач, давомини қўяверинг. Биз ҳеч қачон ҳеч кимнинг Ватан ва халқимиз олдидаги буюк хизматларини камситмаймиз. Бунга ҳаққимиз йўқ. Улар олдида ҳамиша таъзимдамиз. Аммо, ҳеч кимга «буюк хизматлари»ни пеш қилиб бировларни бадном этиш ҳуқуқи берилмаганлигини ҳам уқтириб қўймоқчимиз.

«...Онахон яшайдиган хона даҳлизининг бир бурчидан катта тешик очилган.

— Ҳадиксиз яшай олмаймиз ўғлим,— Саломатхон ая кўзларига ёш олади.— Келиннинг ака-укалари бостириб келгудек бўлишса, тешик орқали қўшниникига қочамиз». (Қуйида Ф. Шодмоналиев мақоласидан келтирилган сатрларни қисқартириб Ф. Ш. дан деб кўрсатилади).

Шу «катта тешик»ка аниқлик киритайлик. Аслида у уй бурчидан атайлаб очилган тешик эмас, балки отам замонида қурилган эски уйнинг қулаб тушган бир тарафидир. Саломат ая тешик, деб ҳисоблаган жойни бемалол бир юк машинаси кириб чиқадиган дарвоза десак хато бўлмас.

Хонадоннинг ориятли эркаги қўшни тарафга хос-бехос кўзи тушмаслиги учун орани девор билан тўсиб қўяди. Ёлғиз ўғил Рустамжон эса девор уриш у ёқда турсин ўзи яшаб турган уй деворини тиклаб қўйишга наҳотки вақт топмади. Ўз этагини ўзи ёпишни билмаган кишини орсиз дейишади. Оиланинг гули аёл бўлса, унинг булбули эркакдир. Хонадон соҳибидан ғурур кетдими, у ердан қут-барака, осойишталик ҳам юз ўгиради. Рустамжоннинг антиқа ишларига кейинроқ тўхталамиз.

«— Ўғлим келиннинг оёқ олиши чакки,— ёрилди бир куни Саломат ая.— Сендан кўра бошқани афзал кўради шекилли...

Йигит тошдек қотиб қолди. Оқ ювиб, оқ тараган, дард чекса шамолни раво кўрмайдиган онанинг гапларига ишонмай бўладими! Наҳотки, у ҳам туҳмат тошини отаётган бўлса!». (Ф. Ш. дан).

Дастлаб биз ҳам ишондик. Аммо ая билан суҳбатлаша туриб негадир бизда шубҳа уйғонди. Бу можаролар замирида қандайдир бир сир ва маккорлик борга ўхшарди. Дарҳақиқат, қайси она гувоҳ-исботсиз, тутиб олмай туриб шундай дейишга жазм эта олади?! Қайси она ўз акасининг қизини фоҳишага, ўз қизининг эрини жазманга тенглаштиради? Юракни ўртайдиган бу саволга жавоб қайда?!

Шундай оналар борки, агар келинини суюқ оёқликда тутиб олган тақдирда ҳам дардини тиши орасидан чиқармай гапсўзсиз унинг кавушини тўғрилаб қўяди. Чунки, ўша суюқ оёқнинг ҳам ота-онаси, давраларда сўз бермас ака-укалари бор. Наҳотки, Саломат ая қизларининг гапига ишониб, ўз акасининг ва жигарларининг юзига оёқ қўйди! Мамлакат ёмон экан нега бу ҳақда унинг ота-онасига ўз вақтида сездирмади. Чунки, бундай қилиш учун аяда на исбот, на далил бор. Гумон билан имон кетади, деганлари шу эмасмикан?!

«Келиним севги касалига дучор бўлгани учун уйимизда тирик жон борки тинчлик бермай қўйди. Нон ёпиб уйига олиб кириб кетади ва яшириб қўяди. «Нонингни ҳам ўзинг пишириб егин ҳароми хотин» деб ҳақорат қилади. Мен келинимнинг бундай хатти-ҳаракатларидан бузилиб кетганини сеза бошладим. Бу вақтлар куёвим олти фарзанднинг отаси Расул Дадахонов менинг хонадонимга бир кунда уч-тўрт маротабалаб қатнайди. Ўғлим эрталаб ишга кетиб, кеч қайтади. Ўғлим бўлса ҳам, бўлмаса ҳам куёвимнинг кунлари менинг уйимда ўтади. Мен касалхонада ётганимда куёвим ҳар куни уйимга келар экан. Буни менга соғайиб келганимда набираларим 10 ёшли Шаҳноза ва 6 ёшли Шаҳло, (ўғлимнинг қизлари) айтиб берди. Улар нон олгани уйга кириб қолишибди. Шунда болалар уларни меҳробда кўриб қолишибди. Келиним эса парданинг орқасидан чиқиб иккала қизини уришиб, чиқариб юборибди. Кичкина қизи нон олиб бер оч қолдим, деб йиғлаган экан, «уйда Расул тоғанг бор кўчада ўйнаб туринглар, кейин келасизлар хўпми?» деб яхши гапириб қўлига нон бериб, чиқариб юборибди».

Бу сатрларни аянинг арзномасидан айнан келтирдик. Бунга ишонмай бўладими ахир? Аммо ишонишга шошилманг. Сўнгги жумлаларга аниқлик киритсак. Наҳотки шундай нозик ишга қўл урган Мамлакат билан Расул эшик зулфини беркитиб қўйишни унутган бўлишса. Биз гувоҳ Шаҳноза билан ҳам суҳбатлашганимизда у бу сўзларни унга отаси Рустам Воҳидов ўргатганлигини, уни қабристонга олиб бориб «агар шундай демасанг шу ерда ўлдириб, укамнинг қабри ёнига тиқиб кетаман. Билиб қўй, мана шу менинг укамнинг қабри», деб қўрқитганини айтиб берди. Изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

Энди аянинг арзномасида келтирилган қуйидаги далилга эътибор беринг.

«Бундан ташқари қизим Саноатхон (Расулнинг хотини) ҳам кўрган. Қизим аниқ числосини эсломади. Ҳаддан ташқари асаби бузилганлиги учун ва соғлиги ёмонлашганлиги учун. Қизим кундузи соат 16 лар чамаси мени касалхонадан кўриб келаётиб, уйимизнинг олдидаги Уччинор дўкони ёнида эри Расулнинг машинасини кўриб қолибди. «Ия нимага машинани бу ерга тўхтатибди. Акам ишда бўлади-ку бу вақтда. Акамни кўргани келдимикан», деб ўйлаб уйга келса, кўча дарвоза қулфланган экан. Қизим ҳайрон бўлибди-да, ҳовли томондан кирибди. Ҳовлида шафтоли дарахтига арғимчоқ солиб ўйнаётган невараларимни кўрибди. Қизим «уйда ким бор», деса, болалар «Расул тоғам билан аям бор» дейишибди. Қизим бир сесканиб уйга кирса иккаласи қучоқлашиб, ўпишиб турган экан. Келиним шошганича ўзини ўнглаб олиб «келинг Саноат опа, келинг. Қолган ош бор эди, иситиб келайми?», деб ўзини ошхонага урибди. Куёвим эса «юр кетамиз уйга, яхши келиб қолдинг», деб қизимни мажбурлаб, дарвозани очиб чиқиб кетибди...»

Бу сатрларни яна бир карра синчиклаб ўқиб чиқинг. Унга ишонасизми. Аслида бундай ишончли далилларга ишонмай бўладими?

Шу ишончли далилларга аниқлик киритсак. Саломатхон ая ўз аризасида «уларнинг қучоқлашиб турганлигини қизим Саноатхон кўрган», деб исботламоқчи. Биз Саноат Дадахонова билан ҳам суҳбатлашдик. Унга ёлғон гапириб бизни ишонтирганингиз, билан худони алдаб бўлмайди-ку, мусулмончиликда Қуръони-шарифни ўртага қўйиб қасам ичишади. Сизга ҳам қуръон беришса нима қилардингиз, дедик. Аввалига у «ўз кўзим билан кўрганман», деб турган эди. Қуръон тилга олингач, хайрият имони бор экан, ҳаққига кўчди. «Тўғриси бирон марта ҳам ўз кўзим билан кўрмаганман. Уларнинг ўпишиб турганини катта қизим Нигорахон кўрган экан» деди. Энди кимга ишонасиз. Саломатхон аягами, ё Саноатхон опагами, ёки Расул Дадахоновнинг 17 ёшли қизи Нигорахонгами?

Саломатхон аянинг 17 бетлик аризасида шу ва шу каби ўнлаб даъвою-«далил»лари борки, уларнинг ҳар бири исботталаб, гувоҳталаб. Расул Дадахонов Саломатхон аянинг уйига серқатнов бўлиб қолгани рост. Аммо, у Мамлакат учун эмас, балки аянинг беминнат хизматкори бўлгани учун ҳам серқатнов эди.

— Хизматга туҳмат бўлаяпти-да,— деди Расул Дадахонов.— Рустамжон ёлғиз ўғил бўлгани сабабли қайнотам вафотидан кейин қайнонам жуда кўп уй юмушлари учун мени чақираверарди. Кўп борганимнинг яна бир сабаби Рустамжоннинг номидаги Олтиариқ посёлкасидаги Фурқат кўчасида жойлашган 4-уйни сотиш керак бўлиб қолди уларга. Уй 24 мингга сотилди. Унинг ҳамма ҳужжатларини расмийлаштириш ҳам менинг гарданимга тушди. Қулдай холис хизматини қилиб шу кўргиликка қолдим.

Мамлакатни руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштирганим ҳам рост. Мен ноҳия фирқа қўмитасида уч кунлик семинарда ўқишда эдим. Рустамжон «Расул ака Мамлакатнинг аҳволи жуда оғир, уни касалхонага жойлаштириш керак. Мен Тольяттига ўқувчиларни икки ойлик ишлаб чиқариш практикасига олиб кетаяпман. Агар қолиб кетсам ишдан бўшатиб юборишади. Жон ака ўзингиз ёрдам беринг», деб ялиниб келди. У билан бирга бордик. Ҳақиқатан ҳам Мамлакатнинг аҳволи оғир экан. Рустам Тольяттига кетди. Мен Мамлакатни аввал вилоят касалхонасига, сўнг вилоят руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштириб келдим. Қайнонамга бўлган воқеани айтдим. У «бундай бўлса биров билмасин. Айниқса, унинг ота-оналари эшитишмасин, «қизимни жинни қилибсанлар» деб қўйишмайди. Ота-онасига Наманганга курортга юбордик, деб қўя қоламиз. Ўзингиз ундан хабар олиб туринг» деди. Мен бўш вақт топсам Мамлакатнинг аҳволидан хабардор бўлиб турдим. Шу хизматим ҳам эгриликка йўйилмоқда.

Наманганга борганимиз ҳам рост. Божаларимнинг бири Наманганда туради. Томорқамизда помидор-бодринг етиштирамиз, рўзғор-да. Шуни сотгани кетаётганимда бир сафар катта қизим Нигорахон билан Мамлакатни олиб кетдим. Божам фарзанд кўрганди. Мамлакат касалхонадан яқинда чиққанди. У «касалхонада ётиб қолиб, қайнисинглим фарзанд кўрганлигини ҳам билмай қолибман, бир йўқлаб келай» деб биз билан бирга борганди. Иккинчисида эса хотиним Саноатхон билан дўконлардан у-бу харид қилиш учун борган эди. Бунда қандай эгрилик бўлиши мумкин, ахир!»

Расул Дадахоновнинг тушунтириш хатидан олинган қуйидаги сатрлар ҳам бу тубсиз можаронинг сирли тугунларини ечиб берса ажабмас.

«Аслида Саломатхон ая билан Рустамжон Дилбарнинг ваъда қилган жаннатига орзуманд бўлиб, бу уйни ҳам сотиб Тошкентга кетиш ишқида қишлоқи, ўқимаган Мамлакатни эса ҳозирги уйидан ҳам маҳрум қилишга ўтиб олишди. Бу иш осон эмаслигини билгач, улар турли найрангларни ўйлаб топишди.

1988 йил август ойларида Рустам «ака, олдинги уйнинг сотилишида катта хизмат қилдингиз, биз сиздан қарздормиз. Энди бунисини (Кисловодск кучасидаги 5-уйни демоқчи) ҳам сотишда хизмат қилсангиз қуруқ қўймаймиз. Аммо Мамлакатни қандай қилиб уйдан маҳрум қилсак бўлади» деб маслаҳат солган бўлди. Шунда мен «4 нафар фарзандингиз бор-ку, жуда кетмоқчи бўлсангиз уй-жойни ярмини Мамлакатга қолдириб кетаверинг-да» дедим. Бу гапим унга ёқмади. «Майли бу гап ўртада қолсин, ҳеч ким билмасин, бошқа йўлини топамиз» деди Рустам.

Орадан кўп ўтмай Саломат ая «қизим билан ўғлимни заҳарладингиз» деди. Нега бундай деяпсиз ая десам у «сиз Мамлакат билан юрасиз», деди. Бу гапни эшитиб нима қиларимни билмай қотиб қолдим. «Ая бу нима деганингиз, ўйлаб гапираяпсизми, агар шундай хаёлга борсангиз уйингизга келганим бўлсин», деб чиқиб кетдим. Шу-шу уларнинг уйларига бормай қўйдим.

Бир куни Рустам нега уйга келмаяпсиз, аям сизга бир нима дедиларми, деб сўради. Мен эса аясининг гапини айтиб ўтирмадим. Ишлар кўп, деб қўя қолдим. У «Расул ака ўша гап, Мамлакатдан қутқариш йўлини ўйланг», деди. «Гулдек билангиз бўлса, бу гапларнинг нима кераги бор», дедим. У «уйни сотиб Тошкентга кетишим шарт. Сиз «Мамлакат билан юрдим», десангиз у уйдан маҳрум бўларди. Буёғини менга қўйиб беринг. Уйни бемалол сотамиз», деди. Икковимиз тортишиб қолдик. Сўнг мен бу ишни қилолмаслигимни айтдим. У сўкиниб жаҳл билан чиқиб кетди».

Шу-шу орадан оқибат кўтарилди, оилада тинчлик йўқолди. Рустам илтимосдан туҳмат қилишга ўтди. Расул Дадахоновнинг Мамлакат билан юрганлигини бўйнига олдириш учун турли найранглар кўрсатди. Гоҳ кундузи, гоҳ кечалари унинг уйига пичоқ кўтариб келди. Р. Дадахоновнинг «Жигули»си баллонларини ёриб, зарур қисмларини юлиб кетди. Унинг шу ишлари учун Олтиариқ ноҳия ички ишлар бўлими Р. Воҳидовга нисбатан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 133-моддаси билан иш қўзғаганди. Натижаси?

Кўп ўтмай Воҳидовалар тайёрлаган сценарий асосида 1988 йил 21 октябрда янги, кутилмаган «томоша» қўйилди. Бу томошанинг ўзи бир китоб бўлади. Афсуски, шу «томоша»даги жуда кўп «кўринишлар» ўз вақтида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари томонидан элак-элак қилиниши лозим эди. (Ҳали ҳам кеч эмас). Минг афсуски, яра газак олаверди.

Рустам эса Мамлакатни суюқоёққа чиқариш учун аввал Олтиариқ ноҳия ички ишлар бўлимига туҳмат ариза ёзиб берди. Сўнг сохта суратказ ёллади. Суратказнинг чуви чиққач, сохта гувоҳ Мирза Ҳусановни «сотиб» олишга уринди. Афсуски, Мирза Ҳусанов терговда ҳам, судда ҳам Рустам Воҳидовнинг маккорликларини очиб ташлади.

Қисқаси шу икки йил мобайнида Р. Воҳидовга нисбатан тергов органлари томонидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 91-моддаси 2-банди билан, 133-моддаси 1-банди, 134-моддаси, 208-моддаси 1-банди ва 112-моддаси 2-бандлари билан жиноят ишлари қўзғатилганлигининг ўзи ҳам унинг кимлигини кўрсатиб турибди. Бироқ негадир бу ишларнинг ниҳояси кўринмаётир.

Р. Воҳидов дастлаб 1988 йил 18 декабрда қўшниси Тожихон Ҳамроқуловага, 1989 йил 21 январда Мамлакат Воҳидовага тан жароҳати етказганди.

Олтиариқ ноҳия ички ишлар бўлимининг тергов органи нечундир Р. Воҳидовнинг турли вақтда содир этган икки жиноий ҳаракатини бирлаштириб, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 91-моддаси 2-банди билан иш қўзғади. Фарғона ноҳия халқ судида эса Р. Воҳидовга нисбатан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 91-моддаси 2-банди ва шу кодекснинг 112-моддаси 2-банди билан қўзғатилган жиноий ишлар бирлаштирилиб, кўриб чиқилди. Суд Р. Воҳидовни ЎзССР ЖК 91-моддаси 2-банди билан айбдор, деб топиб, унга бир йилга ахлоқ тузатиш жазоси белгилаган. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 112-моддаси 2-банди билан қўзғатилган жиноий иш эса қўшимча терговга қайтарилган.

Бу сарсонгарчилик ва чигалликларни ҳар тарафлама чуқур ўрганишни вилоят ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари эътиборига ҳавола этамиз ва аниқ жавоб кутамиз.

Мақолага нуқта қўятуриб, Мамлакатнинг аччиқ изтироб билан айтган гапларини эсладик: **кимга додимни айтай, кимни ишонтирай. Онам берган оқ сут ҳаққи, болаларим ҳаққи, виждоним олдида покман!..**

С. СИРОЖИДДИНОВ,
Ҳ. АКБАРОВ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбирлари.
Фарғона вилояти.

РЕДАКЦИЯДАН: Азиз муштарий! Мана, мақолани ўқиб, оилавий можаролар тафсилоти билан танишдингиз. Биз мақолани эълон қилишдан олдин анча ўйландик. «Эр-хотиннинг орасига эси кетган тушади», деган мақол бежиз айтилмаган экан. Бу оила жанжали ҳам ана шу ибратли сўзни яна бир бор тасдиқлади.

Мақолани ёзиш жараёнида «Сутдан оғзи куйган, қатиқни ҳам пуфлаб ичади», деганларидек, яна бир кўнгилсизлик келиб чиқмасмикан» деган ҳадик бизни кўп вақт тарк этмади. Лекин нима қилганда ҳам ҳақиқат айтилмоғи, тарафларнинг эътирозлари ўрганилмоғи, қанчалаб саволларга баҳоли-қудрат жавоб берилмоғи керак эди.

Бизни бир нарса ўйлантиради: беадоғ жанжаллар, ғараз ва нафрат ўрнига чинакам тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат қарор топармикан бу хонадонда!

Келинг, яхшиси ҳаммамиз биргаликда ана шу саволга жавоб излайлик.

Мактубларингизни кутамиз.

Хориждан хабарлар

ЛЕНИН МУЗЕЙИ СИЁСИЙ МАРКАЗГА АЙЛАНТИРИЛДИ

УЛАН-БАТОР, 31 июль. (ТАСС мухбири Дугар Санжиев). Монголия пойтахтидаги В. И. Ленин музейи Владимир Ильич Ленин номли сиёсат ва маданият марказига айлантирилди. МХРП Марказий Қўмитаси шундай қарор қабул қилди, деб хабар беради бугун «Унэн» газетаси. Монголия Халқ Революцион партиясининг бутун мафкуравий ишини янгилаш, унинг маданий-маърифий йўналишини юксалтириш, шунингдек музей фаолиятини ҳар томонлама кенгайтириш ва чуқурлаштириш муносабати билан шундай қарор қабул қилинди.

Марксизм-ленинизм таълимотини, МХРП қарорларини, халқаро ишчилар ҳаракати ғояларини тарғиб қилиш янги сиёсат ва маданият марказининг вазифасига киради.

ЯҚИН, ЎРТА ШАРҚ ВА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА

ҚОҲИРА (ТАСС мухбири Андрей Маляров). Шу пайтга қадар «қора олтин»ни жуда кўп миқдорда дунёга етказиб берувчи мамлакат сифатида машҳур бўлган Саудия Арабистони яқин келажакда жаҳон бозорини ҳақиқий олтин билан «қалаштириб юбориши» мумкин. Мамлакат фойдали қазилмалар вазирлигининг мутахассислари шу фикрга келдилар. Улар эълон қилган маълумотномада айтилишича, ҳозирги пайтда Саудия Арабистони ерларида 800 та саноат олтин кони аниқланган. Шу конларнинг энг катталарида ҳар тонна тоғ жинси таркибида 25 грамм олтин бор, бу эса мамлакатда асл металл қазиб чиқаришни Австралиядаги ёки Жанубий Африкадаги машҳур конлардагидан анча манфаатлироқ қилиб қўяди.

ДЕҲЛИ (ТАСС мухбири Михаил Капустин). Ҳиндистонда июль ойининг ўрталарида мамлакат бошидан кечирган қалтис ҳукумат танглиги ҳали ҳам сезилиб турибди. Жумҳурият Бош вазирининг ўринбосари Деви Лал яна диққат марказига тушди. Ҳукумат бошлиғи Вишванатх Пратап Сингх унинг номига хат юбориб, сиз савдо ва туризм вазири Арун Неру билан энергетика ва граждан авиацияси вазири Ориф Муҳаммадхон молиявий ҳийла-найрангларга дахлдор, деб уларни айблаганингизда, қўлингизда қандай асослар бор эди, мана шуни тушунтириб беринг, деб талаб қилди.

Бош вазирдан хат олганидан кейин Деви Лал даргоҳида ҳақиқий саросималик бошланганлиги бу ерда маълум бўлди. Оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишича, вазирлар кабинетининг мажлисида Деви Лал икки вазир шаънига айтган гапларини тасдиқлайдиган исботлар ва далиллар йўқлигини тан олди.

Матбуотнинг ишончли манбаларга асосланиб хабар қилишича, Бош вазир Деви Лалга истеъфога чиқишни тавсия қилиши мумкин. Етти ой муқаддам Ҳиндистонга раҳбарлик қила бошлаган миллий фронт ҳукуматида давом этаётган низолар баъзи кузатувчиларни бу ҳукумат барбод бўлиши ва мамлакатда муддатидан аввал парламент сайлови ўтказилиши мумкин, деб хулоса чиқаришга мажбур этмоқда.



Сан Ра (АҚШ)нинг «Аркестра» ансамбли хонандаси Жун Тайсон бутун дунёдаги жаз санъати ихлосмандларининг орасида катта обрў қозонган. Жаз эстрадасининг бу юлдузи чиқишларини унинг мухлислари доимо илиқ кутиб олишади.
СУРАТДА: хонанда Жун Тайсон.
Р. ДЕНИСОВ суратга олган. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БЕРЛИН. ГДРнинг собиқ раҳбари Эрих Хонеккернинг буйраги бултур операция қилинган эди. Унинг саломатлик ҳолати қамоқда сақлашни кўтармайди. ГДР соғлиқни сақлаш вазирлигининг хабарига кўра, «уни ҳибсга олса бўладими ёки йўқми эканлигини аниқлаш учун сиҳат-саломатлигини қайтадан текшириш» лозим. ГДРнинг собиқ раҳбарлари орасидаги бошқа айбланувчилар — Эрих Мильке, Херберт Кроликовски, Херман Аксен, Харр Тиш, Гюнтер Миттаг, Вилли Штоф ва Геральд Геттинг қамоқда сақланиши, сўроқ қилиниши ва суд мажлисларида қатнашиши мумкин.

СОФИЯ. Болгария парламенти депутатларининг жумҳурият Президентини сайлаш учун бешинчи бор қилган уриниши натижа бермади. Болгария Социалистик партияси ўзи кўрсатган Чавдар Кюранов номздини қайтариб олишга қарор қилди. Шундай қилиб, овоз беришнинг бешинчи даврасида давлат бошлиғи лавозимига фақат демократик кучлар иттифоқининг вакили Пётр Дертлиев билан Болгария деҳқонлар халқ иттифоқининг номзоди Виктор Вильков даъвогар бўлиб қолган эдилар. Бироқ овоз бериш давомида уларнинг ҳеч бири ғалаба қозониш учун етарли бўлган овозларни олишга муваффақ бўлмади.

МЕХИКО. Тринидад ва Тобагодаги вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Бу ерда мусулмонларнинг қуролли гуруҳи Бош вазирни ва саккиз нафар вазирни ҳали ҳам гаровда ушлаб турибди. Мамлакат энергетика вазири Герберт Этуэллнинг журналистларга айтишича, маъмурлар билан исёнчилар ўртасидаги музокаралар давом этаётган бўлса ҳам, аммо ҳукумат муаммонинг тез ва тинч ҳал бўлишига унчалик умид қилаётгани йўқ.

ҚОҲИРА. Қоҳирада бошланаётган Ислом конференцияси ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг анжумани иштирокчилари Ислом дунёси учун жуда долзарб бўлган муаммоларга оид 80 тадан кўпроқ масалани кўриб чиқишлари керак, деди шу халқаро ташкилотнинг бош котиби Ҳамид Ал-Ғабид. Бу масалалар орасида Фаластин муаммоси ва «интифода»нинг қўллаб-қувватлаш, БМТ ҳомийлигида халқаро сулҳ конференцияси ўтказиш орқали Яқин Шарқда одилона ва мустаҳкам тинчликка эришиш йўлларини излаш, яҳудийларнинг Исроилга кўплаб кўчиб келаётганлиги муаммоси, Ливандаги аҳвол, Ироқ билан Эрон ўртасида тинчлик ўрнатиш соҳасидаги куч-ғайратлар каби масалалар бор.

ВАШИНГТОН. Америка пойтахтида табиий офатларни олдидан айтиб беришда ва фавқулодда вазиятларда шу оқибатларни тугатишда ҳамда азият чеккан кишиларга ёрдам беришда Совет—Америка ҳамкорлигини кенгайтиришга бағишланган музокаралар бошланди. Бу — иккала мамлакат ўртасида ҳамма соҳалар бўйлаб кенгайиб бораётган самарали мулоқот доирасида АҚШ халқаро ривожланиш бошқармаси билан СССР фавқулодда вазиятлар давлат комиссияси даражасидаги биринчи мана шундай учрашувдир.

(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

КИМ КЎП ИШДА БАНД?

● ЯПОН меҳнаткашларининг деярли ярми ўз турмуш даражасини мамлакат иқтисодий тараққиётининг юқори даражасига мос келмайди, деб ҳисоблайди. Меҳнат вазирлигининг ҳар йил эълон қиладиган маълумотномасига кўра, 1988 йилда Япония ишчилари ишлаб чиқаришда ўрта ҳисобда 2189 соат банд бўлганлар. Бу уларнинг АҚШ, Буюк Британия, ГФР ва Франциядаги ҳамкасбларининг иш соатидан 230—550 соат кўп. Кўпгина японлар бемалол дам олиш учун вақт мутлақо етишмайди, деб ҳисоблайди. 1988 йилда ишчиларнинг атиги 30 фоизи ҳафтасига беш кун ишлаган. Иш билан таъминланиш соҳасига қараб, уларга 7,6 кундан 15,3 кунгача ҳақ тўланадиган таътил берилган. Ҳужжатда яқин вақт ичида меҳнаткашларнинг турар-жой шароитларини яхшилаш мумкинлиги хусусида шубҳа билдирилган. Ҳозир энг арзон якка тартибда қурилган уйларнинг нархи ўртача малакали ишчининг йиллик маошидан 5 баробар қиммат. Маълумотнома муаллифлари, ҳукумат кўпчилик ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаши керак, деб ҳисоблайдилар. Чунки бу Япония иқтисодий ўсишининг асосий омили бўлган меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келади.

«ҚУЛАЁТГАН МИНОРА» ҚАЧОН ТАЪМИРЛАНАДИ?

● ЗИЁРАТЧИЛАР учун беркитиб қўйилган минора ҳамманинг эсидан чиқиб кетган ва ташлаб қўйилган, деб бўлмайди. Рим шаҳар ҳокими, социалист Серджо Кортопасси яқинда бўлиб ўтган Пиз муниципал кенгаши мажлисининг натижаларини шундай баҳолади. Бу мажлис дунёга машҳур «Қулаётган минора»да таъмирлаш ишларининг шу пайтгача бошланмаганлиги ҳақидаги масалани муҳокама қилишга бағишланган эди. Италия ва халқаро экспертларнинг минора борган сари қулаётганлиги тўғрисидаги дастлабки хулосалари 1920 йилга тааллуқлидир. Ҳозир унинг «қулаш» тезлиги йилига бир миллиметрдан сал кўпроқни ташкил этмоқда. Маъмурлар кўп сонли сайёҳатчиларнинг зиёрати (меъмориликнинг бу мўъжизасини ҳар йили миллионга яқин киши зиёрат қилади) минора ҳолатининг бундан ҳам ёмонлашишига олиб келишидан хавотирланиб, уни вақтинча ёпиб туришга қарор қилдилар.

Шу йилнинг 7 январь куни Италия вазирлар кенгаши қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Унга кўра, меъморчилик дурдонасининг пойдеворини мустаҳкамлаш ва таъмирлаш ишларига 1990—1993 йиллар мобайнида 100 миллиард лир ажратилиши керак. Ҳозирча ўтган 7 ой ичида ноёб минора зинапояларида чанг босган бегона ўтларгина пайдо бўлган. Лойиҳа эса қоғозда қолиб кетди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Янги шеърлар

Икром ОТАМУРОДОВ.

МАСОЙИБ

Кўнглинг ғаш
Судралиб борасан беҳол.
Оёқларинг йўлнинг белига ботар.
Жонингга тегади дунёи қаттол,
Дунёи қаттол тоқатинг ютар.
Ўзингни сезасан мисоли бадар,
Безасан маъноли хайру эҳсондан.
Ҳақиқатни олдга солиб ҳар сафар,
Манфаат кетидан қувган жаҳондан.
Руҳингни эзади ботмон тош — азоб:
Ўксин Икром, ҳақ хор бў дайру дунга.
Ҳайҳот Навоийдан сўз айтиб каззоб,
Қучоқ очиб турар Маждиддинга.

ҲАР ГАЛ

Ҳар гал залга кирасан оташин,
Ҳар гал, руҳингда қўзир таранглик.
Ғашингни келтирар зич қилиб тишин,
Ҳар гал, ёнингдаги лоқайд, гаранглик.
Ҳар гал, гапирасан жонинг куйдириб,
Ҳар гал, сўзларинг бўласан дам-бадам.
Ҳар гал, чидолмайсан, сапчийсан туриб,
Ҳар гал, жасорат кутасан ҳаммадан.
Ҳар гал, мажлисда дард тўкилар фақат,
Ҳар гал, жунбушга келади ҳаяжон.
Ҳар гал, ечимини излар ҳақиқат,
Ҳар гал, бир йўлини қидирар имкон.
Ҳар гал, бир овоздан тасдиқдир қарор,
Мажлис якунлари тинчгина ҳар гал.
Ҳар гал, шошиб ташга чиқасан зинҳор,
Ҳаяжонни ечиб, толиқиб ҳар гал.

* * *

Кўзларингни тўйдир қизғалдоқларга,
Лабларингни босгин, терминсиз зор дил.
Найсонлар мавсуми — кўклам чоқларда,
Қашқадарё ёқлари боргил.
Кенгликлар кўтариб чопар алвон туғ,
Қарагин, уфқлар қизарар ўчлик.
Ўт олсин кўнглингда совиб қолган чўғ,
Руҳингда уйғонсин ухлаган очлик.

Танишинг: ёш истеъдодлар

УМИДБАХШ ҚАДАМЛАР

«Менинг биринчи китобчам» ижодий танлови якунланди

ЎТГАН ЙИЛИ ёш истеъдодларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ниятида Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси ва жумҳурият «Китобхон» жамияти «Менинг биринчи китобчам» ижодий беллашувини эълон қилган эди. Бу ўзига хос ижод кўригига 70 дан ортиқ ўқувчилар кўлёзма асарларини юбордилар.

Мўъжаз китобчалар. Умидбахш илк қадамлар. Ёш фикрнинг, туғма истеъдоднинг илк сувратлари. Чиройли безалган, муқоваланган, дид ва ниятиёқ билан тартибланган биринчи тўпламларни, ростин, севиниб ўқидик. Биз Юлдуз Мухторованинг шеърларини дилдан ёздик. Қисман «Гулхан»да ёки болалар нашрларида қатнашиб юрган ҳаваскорлар ижодидан хабардор эдик.

Вирданига бир неча умидли ижодкор асари билан танишиш завқи бошқача экан. Мукаммал Раҳматуллаеванинг ижодий кўринкинг кашфиёти, деса бўлар. Шаҳрибонунинг фантастик ҳикоясини топилма дейиш мумкин. Тоҳир Машраббоев, Лобар Тошқўзиева, Диддор Орипова, Зулфия Раимбердиева... Улуғбек, Азизбекнинг асарлари ўз фикрлаш тарзи, услуби тиниқлиги билан ҳакамлар диққатини тортди...

Қуйидаги якуний хулосага келдик:

Биринчи ўринни олишди. (3 та).

Юлдуз МУХТОРОВА — Тошкент шаҳри, 71-мактаб, 11-синф, «Сеҳрли боғ», (шеър ва ҳикоялар);

Шаҳрибону НОЗИЛОВА — «Бешик тоғ» (шеър ва ҳикоялар).

Тўхтамурод НОЗИЛОВ — китоб безаги учун (Тошкент);

Мукаммал РАҲМАТУЛЛАЕВАлар Фарғона, 35-мактаб 7-синф «Шамол билан суҳбат», шеърий китоби учун.

Иккинчи ўринни олишди (7 та):

Баҳодир ТИЛЛАЕВ — Тошкентдаги 122-мактаб, 9-синф, «Мўъжизам»;

Тоҳир МАШРАББОЕВ — Фарғона, 27-мактаб, 11-синф, «Қалб кўприги»;

Зулфия РАҲМАТУЛЛИНА — Тошкент, 127-мактаб, 4-синф, «Колобок идёт на поиск своего друга».

Насрулло ХОЛМУРОДОВ — Сурхондарё, 9-синф, шеър ва ҳикоялар;

Худойназар ДЎСТҚОБИЛОВ — Қашқадарё, 43-мактаб, 10-синф, «Умид»;

Хулкар НОРҚОБИЛОВА — Қашқадарё, 43-мактаб, 10-синф;

Татьяна БУКЛОВСКАЯ — Самарқанд, 24-мактаб, 9-синф, «Ребятам о зверятах» номли тўпламлар учун.

Учинчи ўрин (10 та):

Лобар ТОШҚЎЗИЕВА — Тошкент, 248-мактаб, 10-синф, «Туғилган кун» тўплами;

Мунира ҲУСАНОВА — Фарғона, 27-мактаб, 8-синф, «Бойчечак» тўплами учун;

Дилдора ОРИПОВА — «Боғчага бормаган кун». (Тошкент);

Ҳамида ҚАМБАРОВА — Фарғона, 9-мактаб, «Оққуш кўзлари»;

Аъзам ОБИДОВ — Наманган шаҳридаги 7-мактаб, 10-синф, «Орзу»;

Улуғбек АБДУСАЛОМОВ — Андижондаги 27-мактаб, 11-синф. «Ҳисобли дунё»;

Зулфия РАИМБЕРДИЕВА — Андижон, 21-мактаб, 6-синф;

Зилола ХУЖАНИЁЗОВА — Қашқадарё, 25-мактаб, 11-синф;

Дмитрий МАСЛОВ — Тошкент, 34-мактаб, 9-синф, «Кузнинг икки куни»;

Хуршида ЭШОНҚУЛОВАлар — Самарқанд, 10-синф, шеърий ва насрий тўпламлари учун.

Рағбатлантирувчи мукофотлар (20 та) қуйидагиларга ажратилди:

Озодбек ПАРПИЕВ — Фарғона, 16-мактаб, 6-синф, «Қуёш ўлмас йўлимда»;

Ҳилола ИСОҚОВА — Фарғонадаги 10-мактаб, 11-синф, «Илинж» шеър ва ҳикоялари учун.

Шаҳло БАҚОЕВА — Бухоро, Ғиждувон, «Бахтим гули»;

Рустам ЖАББОРОВ — Самарқанд, «Интилиш»;

Ойдин ДОНИШЕВА — Жиззах, 12-мактаб, 8-синф;

Саодат БЕРДИЕРОВА — Сирдарё, 6-мактаб, 10-синф;

Лола АЛИЕВА — Сурхондарё, 6-мактаб;

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА — Сурхондарё, 22-СПТУ, 2-курс;

Муҳайё АШУРОВА — Андижон, 18-мактаб, «Бир даста гул»;

Азизбек МЎМИНОВ — Андижон, 21-мактаб, 9-синф, «Қуёш камалаги»;

Ҳамидулла ЮСУПОВ — Андижон, 27-мактаб, 9-синф, «Наврўз»;

Баҳринисо ЭГАМШУКУРОВА — Қашқадарё, 77-мактаб, 9-синф, «Энг сўнгги бардош»;

Самар ЖЎРАЕВ — Қашқадарё, 45-мактаб, 7-синф;

Зулфия ОЧИЛОВА — Қашқадарё, 33-мактаб, 7-синф;

Дилфуза ШОДИЕРОВА — Қашқадарё, 1-мактаб, 8-синф;

Муҳаббат ЭЛБОЕВА — Қашқадарё, 14-мактаб, 8-синф;

Адолат МУСТАФОЕВА — Хоразм, 7-мактаб, 10-синф;

Абдулла ЎРОЗБОЕВ — Хоразм, 7-мактаб, 9-синф;

Азиза АМИНОВАлар — Бухоро, 10-мактаб, «Менинг биринчи қадамим» номли шеър ва ҳикоялар тўплами учун;

Тамилла БИКТОВА Тошкент, 6-мактаб, «Фазодан келган меҳмон» ҳикоя тўплами учун;

Инобат БОБОҚУЛОВА — Самарқанд, 8-мактаб, 8-синф, «Тинчлик учун орзуимиз» шеърий китоби учун.

Ёш ижодкорларнинг 20 та тўплами Москвада бўладиган болалар китоблари беллашувига тақдим этилади.

Сентябрь ойининг бошларида Ёзувчиларнинг Дўрмондаги Ҳамза номли ижод боғида ёш ижодкорларнинг кенгаши бўлади. Ғолиблар, рағбатлантирувчи мукофот олган ҳаваскорларнинг ҳар бирига жумлага таклиф этиб, уларга конкурс шартида кўрсатилган пул миқдорига тенг қийматли қимматбаҳо совғалар, болалар нашрлари Фахрий Ёрлиқлари ва Дипломлар топширилади.

Биринчи қувончли режани ҳам айтай: Юлдуз, Мукаммал, Шаҳрибону, Диддор Ориповаларнинг китобчасини «Чўлпон» нашриёти чоп этишга ваъда берди.

Ижодий кўрикка келган кўлёзмаларни ўқиб, баҳолашда Турсунбой Адашбоев, Ҳамза Имонбердиев, Анвар Обиджон, Туробжон Ниёзов, Сафар Барноев, Рауф Толиб, Ёқуб Хўжаев, Галина Карпова, Нодира Абдуллаева каби ёзувчилар самимият ва меҳр билан меҳнат қилдилар. Уларга ташаккур айтамиз.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
«Менинг биринчи китобчам» ижодий беллашувининг ҳакамлари раиси.



Жиноят ва жазо

Жуда ажабтовур замона бўлаяпти-да ўзиям. Ҳозир тунларни-ку қўяверинг, куппа-кундузи ҳам эмин-эркин юролмайдиган бўлиб қолдик. Ҳали у ерда, ҳали бу ерда турли хил жиноятлар содир қилинмоқда. Жиноятлар сони мислсиз суратда ортиб бораяпти. Айбдорлар эса...

Тошкент ички ишлар бошқармасида мамлакатимизда биринчи бўлиб уюшган жиноятчиликка қарши курашадиган алоҳида бўлим тузилганди. Ёш жамоага ишлаш осон кечмаяпти. Биргина ўтган йилда 125 та рэкетчилар гуруҳи қўлга олинди. Ниҳоятда устомонлик билан қилинган «операция»лар баъзан муваффақиятли чиқади, баъзан «ов» барориддан келмайди. Барибир жуда катта масъулиятли ишнинг бошланиши яхши.

СУРАТЛАРДА: навбатдаги «ов» (пастда). Операция тугади. Жиноятчилардан тортиб олинган қурол-яроғлар энди синчковлик билан тафтиш қилинади.

В. МИЛЕНЬКИЙ суратлари.
(ЎзТАГ).



ҚОТИЛ

У ЎЗ ТУҒИШГАН УКАСИНИ ЎЛДИРДИ...

— Пичоқни олиб чиқ деяпман! Станислав дазмол босаётган онасига ўшқирди.

— Ўғлим биласан-ку, ўзи биттагина пичоқ бор. Агар уни ҳам олиб кетсанг, рўзғорга нимани ишлатаман? — деди она ялинган оҳангда.

— Олиб чиқ, деяпман! — Станислав қизиб турган дазмолни тортиб олиб онасига ўқталди. Нина Васильевна қўрққанидан чинқириб юборди. Ўртанча ўғли Эдуард нариги хонадан ички кийимда югуриб чиқди.

— Онамдан нимани талаб қилаяпсан, сенга нима керак ўзи, — сўради Эдуард акасидан. Станислав дазмолни отиб юборди-да, ваҳшийларча укасига ташланди. Эдуард акасидан жисмонан бақувват бўлса-да, унга қўл кўтармади. Фақат ҳимояланди. Охири бўлмади. Станислав ҳовуридан туша қолмади. Эдуард уни ерга йиқитди.

— Онамдан кечирим сўра, кечирим сўра деяпман! — деди акасининг қўлларини босиб тураркан.

— Бўлди, бўлди, кечир мени Эдуард, кечиринг она...

Эдуард уни қўйиб юборди. Онанинг кўнгли бироз тинчланиб, тўполондан уйғониб кетган кенжаси Костянинг ётоғига кириб кетди. Ота одатдагидек, бурчакдаги диванда чўзилиб ётарди. Атрофида нималар бўлаётганлиги билан иши ҳам йўқ...

Укасининг қўлидан қутилган Станислав индамай ошхонага кириб кетди. У ердан пичоқни олиб чиқди-да, ётоғига ўтаётган укасига ташланди. Эдуард бир неча зарбага чап берди. Пичоқ ўнг оёғини, сўнгра чап сонини яралади. Учинчи зарба эса ўнг қўлига тегди. Аммо энг сўнгиси қоқ юрагига санчилди!...

— Мана, энди бўлди, — деди Станислав тили базўр айланаркан. Унинг бу сўзларини эшитган она, ичкаридан югуриб чиқди.

Эдуарднинг кўксидан қон юракнинг ҳар тепкиси билан баробар ўқтин-ўқтин тўхтаб отилар, деворларга сачрарди.

Ота эса ҳамон ўша қизил диванда чўзилиб ётарди... Унинг ҳам кайфи бор эди.

Эдуард бир неча дақиқадан сўнг жон берди.

Бу воқеа Юнусобод массиви 15-кварталидаги уйлардан бирида 1989 йилнинг 24 июнь куни содир бўлди. Эдуарднинг рафиқаси Ольга 18 ёшида тул қолди. Қизи Настинка эса, эндигина бир ёшга тўлганди.

...Ароқ қанча одамларни жиноятга, ўлимга, бахтсизликка бошлаган. Аммо, «Мастлик — ростлик» деганларидек маст одамнинг ҳар бир ҳаракати унинг табиати, маънавиятидан келиб чиқади.

Станиславнинг қотиллигига фақат ароқ сабаб бўлган эмас. Унинг «тарбияси» одам ўлдиришга, ҳатто ўз туғишган укасининг юрагига тиғ санчишгача бориб етганди. Ҳаёт йўли шу қотилликка олиб келганди уни.

Станиславнинг суддаги энг сўнгги сўзлари ҳалигача ёдимдан чиқмайди.

«Мен учун энди барибир. Чунки ҳаётим аллақачон барбод бўлган»

Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Станислав қандай қилиб қотилга айланди?

Отаси ичиб келиб, доим жанжал кўтарарди. Нина Васильевна эри билан муроса қилолмади. Кенжаси Эдуардни олиб уйдан кетиб қолди. Ўшанда Станислав 12 ёшда эди. У бувисининг қўлида қолди.

Нина Васильевна ётоқхоналарда яшаб, фаррош бўлиб ишлади. Станислав ўқиётган мактаб маъмурияти «ўғлингизни олиб кетинг. Отасининг қўлида тарбияси бузилаяпти», деб бир неча марта огоҳлантиришди. Нина Васильевна ўғлини олиб кетмоқчи бўлди. Аммо қайнонаси оёқ тираб олди, бермади. Бунинг устига ўзининг ҳам турмуш шароити оғир; қўлини унга узатса, бунга етмайди. Квартирага пул жамғариши керак. Майхўр эридан болалари учун нафақа олмасди.

Она 4 йил саргардонликда кун кечирди. Ниҳоят янги уйга кўчиб ўтди. Ана шундан сўнг Станислав ўз хоҳиши билан волидаси ёнига келди. Аммо феъли оғир эди. Онасининг гапига қулоқ солмас, мактабга гоҳ бориб, гоҳ бормасди. Уйга кеч қайтарди. Мактаб ўқитувчилари бир амаллаб уни саккизинчи синфгача олиб чиқишди. Сўнг ўрта ҳунар техника билим юртига жўнатишди.

Станислав кўчада дайдиб юришга ўрганганди. Ўқишга бормади. Охири уни билим юрти талабалари рўйхатидан ҳам ўчириб юборишди. Сўнгра у 17 ёшида ўғирликда айбланиб, 4 йилга озодликдан маҳрум этилди. Муддати тугагач, орадан саккиз ой ўтар-ўтмас мотоцикл ўғирлашда иштирок этиб яна қамалди.

...Инсон дийдасининг шу қадар қотиб боришидан ҳаётнинг қай сўқмоқларини айблай оламиз? Уни янада ёмон бўлиши учун қамашмаган эдику! Қайта тарбиялаш учун жамиятдан ажратишгандику. Аммо, оқибати аксинча бўлди.

Киров ноҳияси прокуратурасининг терговчиси В. Бурҳонхўжаев томонидан Станислав Юрьевич Крецнинг жинояти пухта ўрганилиб, далиллар билан исботланди. Ноҳия халқ суди уни 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди. У эндигина 23 ёшга тўлган эди...

Комила СУЛТОНОВА.

АВФ ЭТИШ РАД ҚИЛИНДИ

Иттифоқдош республикаларнинг судлари томонидан олий жазога ҳукм қилинган бир гуруҳ ашаддий жиноятчиларнинг авф этиш тўғрисидаги илтимосномаси рад қилинди.

Улар орасида С. А. Акимов (уч аёлни ўлдирганлиги учун Татаристон АССР олий суди томонидан ҳукм қилинган), С. С. Ботнарь (икки кишини ўлдирганлиги учун Молдова ССР олий суди томонидан ҳукм қилинган), В. Н. Бурленко (босқинчилик пайтида одам ўлдирганлиги учун Донецк вилоят суди томонидан ҳукм қилинган), С. В. Воложанин (ўсмирни ўлдирганлиги, аёлни зўрлаганлиги ва ўлдирганлиги учун Кемерово вилоят суди томонидан ҳукм қилинган), И. В. Горбунов (пенсионер эр-хотинни ўлдирганлиги учун Донецк вилоят суди томонидан ҳукм қилинган), В. В. Грабовский (икки кишини ўлдирганлиги ва учинчи кишига оғир тан жароҳати етказганлиги учун Одесса вилоят суди томонидан ҳукм қилинган) ва бошқа жиноятчилар бор.

Жазонинг муқаррарлиги — жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги бутун ишга асос қилиб олинган қоидадир. Мана шу қоида амал қилмоқда. Авф этиш сўраб берилган илтимосномаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги хабарлар матбуотда эълон қилиб борилади.

(ТАСС).

3 АВГУСТ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 «Кўл бўйида». Телефильм. 11.55 «Болалар ва театр». 13.05 Такрорий фильмлар экрани. «Кўксерик». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар.

Қувноқ ўтсин таътиллар

17.40 «Ёз ҳикоялари». Бадиий фильм («Грузияфильм»). 19.00 «Съезддан кейинги ўйлар». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Тил— маданият кўзгуси». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдидан. «Навоийхонлик». Мусиқий кўрсатув. 21.50 «Одобнома». 22.00 «Ахборот». 22.20 «Актёрлар ва роллар». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Саидахрор Улуғов ижоди ҳақида. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 Болалар учун. «Булбулча» куйлайди. 18.55 «Келажак тарихи». Телефильм. 19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Мурувват». Аҳолига кўрсатилаётган меҳршафқат хизмати ҳақида.

ДУШАНБЕ КУРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Қурбонали Рамонов куйлайди. 21.40 «Сирена». 22.00 «Ахбор». 22.20 «Икдони нек». 23.05 «Ҳаммасига Залина айбдор». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Чақмоқ» операцияси». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.00 «Йил фасллари». Август. 10.00 «Графиня Козель». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 12.00 «Вақт».

* * *

15.30 «Уддабурон кишилар». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.00 «Агар сиз...» 16.30 «50х50» телешоуси». 18.00 «Вақт». 18.30 «Эрон кундалиги». 18.50 «Аншлаг! Аншланг!». 20.20 ИИМ маълумотларига кўра. 20.30 «Вақт». 21.00 Яхши ният ўйинлари. Сувга сакраш. Бокс. АҚШдан кўрсатилади. 23.00 «Бу бўлган... бўлганди...». 23.20 «ТСН». 23.35 «Нигоҳ» программасига мусиқий илова.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.15 Болалар учун фильм. «Типратиканлар жанги». 4 ва 5-сериялар. 10.25 «Тинереця» халқ ашула ва рақс дастаси ижро этади. Кишинёвдан кўрсатилади. 10.55 «Гўзал истиқбол». Украина мультипликациясини эртага нималар кутмоқда мавзуида вариациялар.

* * *

19.00 Яхши ният ўйинлари. Баскетбол. Хотин-қизлар СССР — Жанубий Корея терма командалари. АҚШдан кўрсатилади. 19.40 «НЛО: эълон қилинмаган ташриф». 5-кўрсатув. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Сеҳрли дорихона». 20.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Биринчи премьерани кутиб». Уфадан кўрсатилади. 21.15 «Учрашув жойини ўзгартириб бўлмайди». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 22.40 Татар халқ қўшиқларини М. Сунгатуллин ижро этади. Қозондан кўрсатилади. 23.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 23.40 Яхши ният ўйинлари. Бокс. Фигурали учиш. АҚШдан кўрсатилади.

ОЧИҚ МАЙДОНДАГИ УСТАХОНА

Кўпгина иттифоқдош жумҳуриятлар вакиллари, шунингдек Франция ва Венгриядан келган ҳайкалтарошлар иштирок этган ҳайкалтарошларнинг халқаро симпозиуми Бухорода ўтказилди. Унинг ташкилотчилари — СССР ва Ўзбекистон Рассомлар уюшмалари, Бухоро шаҳар ижроия қўмитаси усталарининг икки ой давомида самарали ишлашлари учун барча шароитни яратишга ҳаракат қилдилар.

Симпозиум ўтган кунларда шаҳардаги «Спартак» стадионининг ҳиёбони очиқ майдондаги улкан устахонага айланди. Қадимги шаҳар аҳолиси, шунингдек унинг кўп сонли меҳмонлари асарларнинг туғилишини, шаклсиз катта тошлар санъат асарларига айланишини кўришдек ноёб имкониятга эга бўлдилар.

Симпозиум бошланишидан олдин унинг ҳар бир қатнашчиси машҳур Нурота конида бўлиб, ўз асари учун ўзи материал танлаши мумкин эди. Мавзу танлашда эркинлик берилиши тош билан иш олиб борган усталарга ўз ижодий имкониятларини тўла рўёбга чиқариш имкониятини берди.

Тошкентлик ҳайкалтарошлар Н. Карлихонов, М. Гасимов, Т. Тожихўжаев ва С. Шарипоаларнинг асарлари ижодий жўшқинлиги, романтиклиги ва фалсафий ёндашуви билан ажралиб туради. Уларнинг «Осмон аравасн», «Булут», «Умар Ҳайём», «Меърож» деб номланиши ҳам бу асарларнинг ўзига хослигидан дарак бериб турибди.

Москвалик И. Новиковнинг «Сони» ҳайкалида икки тош плита орасига қисилиб қолган одам шакли ифодаланган. Бу — кўпинча бир хил қолиплар, таомиллар исканжасидан қутулишга қодир бўлмаган инсоннинг маънавий асорати рамзидир. Муаллиф бу исканжалардан қутулиб ва узоқ давом этган уйқудан уйғониб, биз ҳақиқий эркин кишилар бўла оламиз, деяётгандек.

Одессалик Е. Лелеченконинг «Юкер, Киравер» асарида Ғарб ва Шарқ мактаблари ҳайкалтарошлик анъаналари уйғун тарзда бирлашиб кетган. Франциялик ҳайкалтарошлар Лоран Рейнес ва Жозе Кастела «Варахшага бағишлов» ва «Манзарали композиция» асарларида Шарқ санъатининг услубини ва ўзига хослигини ҳис эга билганлар.

Мутахассислар бухоролик ҳайкалтарошлар Х. Зойиров, К. Норхўрозов, У. Ўроқовларнинг «Хатарли йўл», «Оналик», «Қуй» асарларини юқори баҳоладилар.

СССР Рассомлар уюшмасининг котиби Л. Гадоев барча асарлар юксак бадиий савияда бажарилганлигини таъкидлади. Хакамларнинг асарларга анъанавий совринли ўринларни бермасдан соврин фондини симпозиумнинг барча қатнашчилари ўртасида тақсимлашга қарор қилганлиги ҳам худди шу ҳолат билан изоҳланади. Улар, шунингдек дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Симпозиумнинг энг ёш қатнашчиси, бухоролик ҳайкалтарош Улаш Ўроқов эса жуда ғалати соврин — янги квартира калитларини олди.

Симпозиум қатнашчилари Бухорони тарк этар эканлар, бу ерда қалбларининг бир қисмини — ўз асарларини қолдирдилар, ўзлари билан эса бухороликларнинг миннатдорчиликларини ва Шарқ афсонаси бўлган шаҳар осмони остида ўтказилган кунлар ҳақидаги эзгу хотирани олиб кетдилар.

И. САФАРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Ёш ленинчи
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23513.